

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ
ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ**

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ СЕКТОРИ

**СОЦИЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК
(УСЛУБИЙ) ТАКЛИФЛАР**

Тошкент – 2016 йил

Умид қиламизки, мазкур қўлланма сизга сифатли социологик тадқиқот ўтказиш билан боғлиқ бўлган саволларингизга жавоб топишингизда ёрдам беради. ФЖШМҚМнинг маълумотлар базасидаги, институтнинг марказий ва ҳудудий бўлинмалари ёрдами билан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари янада чуқурроқ ўрганиш, социологлар ишини ўзига ҳос хусусиятларини чуқур англашга имкон беради.¹

Муаллифлар жамоаси: Ф.Парманов, А.Сеитов, П.Пак.

¹ Хусусан бундай тадқиқотларга: “Ўзбекистонда ижтимоийлашув жараёнида фуқаролик институтлари фаолиятининг самараси”, “Аҳолининг фуқаролик ўз-ўзини англашининг долзарб масалалари”, “Тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари”, “Ўзбекистондаги ўрта махсус касб таълими тизимида расмиятчилик ва коррупция ҳолати, сабаблари ва шароитлари” ва бошқа тадқиқотларни мисол келтириш мумкин.

Мундарижа

<i>Кириш</i>	4
I. Социологик тадқиқот тушунчаси, турлари ва услублари	6
1. <i>Турлари</i>	6
2. <i>Социологик тадқиқот услубларининг қисқача таснифи</i>	7
II. Социологик тадқиқотнинг босқичлари	13
1. <i>Тадқиқотнинг муаммосининг тавсифи</i>	15
2. <i>Социологик тадқиқот дастурини тузиш</i>	16
3. <i>Саралаш</i>	17
4. <i>Мақсад</i>	18
5. <i>Вазифалар</i>	18
6. <i>Объекти</i>	19
7. <i>Предмети</i>	19
8. <i>Гипотезаси</i>	20
9. <i>Индикаторлари</i>	21
10. <i>Тадқиқот инструментарийсини шакллантириш</i>	21
III. Социологик тадқиқотларнинг услубий муаммолари	24
<i>Иловалар</i>	28
<i>ФЖШМҚМИ томонидан амалга оширилган социологик тадқиқотларнинг натижалари</i>	34
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	56

*«Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий
барқарорлик кўп жиҳатдан жамиятдаги
жамоатчилик фикрининг ҳолати билан боғлиқ»*

Ислом Каримов

Кириш

Жамоатчилик фикри одамларнинг ўзаро ҳамкорлигининг энг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. У маълум бир мамлакатдаги фуқаролик жамиятининг ҳақиқий кудратини ўзида акс эттириб, катта ёки кичик даражада давлат фаолиятига ўз таъсирини ўтказиб, ижтимоий аҳамиятга молик масалалар борасида омма фикрни шакллантиш ва уни ечимини топишда ҳукуматни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Шу сабабдан ФЖШМҚМИ да турли социологик тадқиқотларни самарали ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда тўпланган маълумотларни чуқур таҳлил қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, жамоатчилик фикрини ўрганиш социологик тадқиқотларни ўтказиш орқали амалга оширилади. Демак бу касбий ёндашувларни талаб этади. Масалан ФЖШМҚМИнинг охириги икки йилги тадқиқотларида миқдорий тадқиқот билан бир қаторда сифатий методиканидан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда.

Бу каби методик амалий тажрибалар ФЖШМҚМИ учун миллий маконда зарур бўлган эксклюзив таҳлилий материалларни олишга имкон яратади.

Бошқа томондан олиб қараганда, тайёр бўлмаган мутахассисга социологик инструментарийни бериш, худди “дарахт кесувчига скалпелни, ёки жарроҳга бензинли аррани тутқазиб қўйиш” билан баробардир. Ҳоҳ у, ҳоҳ бу ҳолат бўлсин бу самарали натижага олиб келмайди. Шу сабабдан унутмаслик лозимки, илмий асосланган ҳар бир социологик тадқиқот алоҳида маъсулиятни талаб этиб, унинг яқуний натижаси, қанчалик даражада мукаммал дастур ишлаб чиқилганлиги, эмперик материалларни сифат нуқтаи-назаридан йиғилганлиги ва керакли таклифларни қандай ишлаб чиқилишига боғлиқ бўлади.

Жамоатчилик фикри тушунчаси остида одатда ижтимоий гуруҳ, халқнинг умумий тарзда ходиса ва жараёнларга муносабати акс этувчи (баҳо бериши), ижтимоий манфаатини мавжуд ижтимоий муносабатлар асосида ифодаловчи ижтимоий онгни юзага келиши тушунилади.

Социологик маълумотнинг ўзига ҳослиги турли ижтимоий гуруҳларга бирикган одамларнинг хулқ-атвори ва онгини у ёки бу даражада акс эттиришини, маълумотларнинг сифати эса эришиш учун қўйилган мақсадга боғлиқлиги ҳисобга олиш зарур.

Социологик маълумотнинг ишончлилиги, ўрганилган ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни мос келувчи жиҳатларини акс этиши даражасини тавсифловчи хусусият сифатида белгиланади. Барқарорлик муайян давр мобайнида маълумот ўзнинг фойдалилик хусусият сақлаб қолишини ифода этади. Репрезентативлик социологик тадқиқот натижаларини маълум бир жаҳада тадбиқ этилиши билан боғлиқ тарзда тавсифланади.

Социологик тадқиқотлар ўтказишнинг муҳим томонларидан бири дастлабки материалларни йиғиш, яъни сўровлар, интервью, ишончли суҳбатлар ва бошқа тадбирларни юқори савияда ўтказишдир. Социологик тадқиқотлар ўтказишдаги ожиз томонларидан сўровномалар тўлдириш жараёнидаги йўл қўйилган исталган ва исталмаган тарздаги хатолардир. Социолог бундай вазиятда сўровномалар тўлдириш пайтида аксарият маъқулловчи жавоблардан ташкил топган анкеталарга дуч келади ва бу вазиятни объектив тарзда баҳолашга имкон бермайди. Социологик тадқиқотлар ўтказишдаги эътиборга молик салбий жиҳатлардан бири маълумотлар йиғишда уквсизлик ҳисобланиб, бутун тадқиқотнинг объективлигини мураккаблаштиради

Шу сабабдан, ушбу методик қўлланма социологик маълумотлар йиғишни ўтказишни таъминлаш ва уни даслабки таҳлили масалалари билан шуғулланувчи ФЖШМҚМИнинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари учун, жойларда тадқиқот ўтказишда хатоликлар ва ноаниқликларга йўл қўймасликларига кўмаклашишга мўлжалланган. Шунингдек эмпирик социологик тадқиқотлар ўтказиш методикаси социологик назариянинг кенг соҳаси ҳисобланади, шунинг учун уни ҳар жиҳатдан тушуниш учун ушбу методик қўлланмани охирида кўрсатилган адабиётларга мурожаат этиш зарур.

I. СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: УНИНГ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Социологик тадқиқотлар – бу мантиқий давомийликка асосланган методологик, методик ва ташкилий-техник тадбирлар тизими ҳисобланиб, улар ўзаро уйғунлашган ҳолда ижтимоий жараёнларни ўрганиш бўйича объектив-ҳақиқий маълумотларга эга бўлиш ва амалиётда қўллаш мақсадларидан иборат.

1. Социологик тадқиқот ўтказишнинг турлари.

Белгиланган мақсадлар ва илгари сурилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда социологик тадқиқотларнинг учта асосий тури мавжуд:

Дастлабки маълумотлар оловчи, пилотаж, ва муаммони ҳал этувчи тадқиқотлар;

тавсифловчи ;

таҳлилий.

Дастлабки маълумотлар олиш тадқиқоти социологик тадқиқотларнинг энг содда тури ҳисобланиб, унча катта бўлмаган миқёсдаги тадқиқот вазифаларини бажаради. У соддалаштирилган дастур, методика ва ҳажм жиҳатдан қисқартирилган инструментарий билан фарқ қилади.

социологик тадқиқотларнинг ушбу тури қуйдаги мақсадларда қўлланилади:

чуқурлаштирилган ва кенг миқёсдаги тадқиқотларнинг дастлабки босқичида методик инструментарий ва унинг коррекциясини текшириш;

тадқиқ этилаётган объект ҳақида “таҳминий” маълумотларни тўплаш учун;

социологик тадқиқотларнинг предмети кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган ҳолатда, шу билан бирга, тадқиқот объекти ва предмети ҳақида қўшимча маълумотларга эга бўлиш, тадқиқотлар методик инструментарияси, ҳамда тадқиқотнинг айрим вазифалари ва фаразларини аниқлаштириш учун.

Дастлабки маълумотларни тўплаш усуллари ҳисобланадиган экспресс-сўров, интервью ёки анкета сўровномамаси, “ фокус-гурӯҳлар” услубидаги интервьюлар ушбу тадқиқотнинг кўринишлари ҳисобланади. Қоидага кўра, ушбу тадқиқотлар маълум бир факт, воқеа, ходиса ҳақида қисқа фурсатларда тезкор маълумот тўплаш мақсадида ўтказилади

Тавсифловчи тадқиқот – бу чуқур социологик таҳлил қилиш демакдир. Бунинг учун тадқиқотнинг объекти сифатида бир хил тавсифларга эга бўлмаган инсонларнинг катта гуруҳи танлаб олиндики, бу ўз навбатида қиёслаш ва таққослаш учун имкон яратади. Тавсифловчи турдаги тадқиқотни

Ўтказиш ўрганилаётган объектнинг муҳим элементларини ўрганиш жараёнида ишончлилиқ даражасини таъминлайдиган, синовдан ўтган методик инструментария фойдаланувчи мураккаброқ ва мукамал дастур ишлаб чиқишни талаб этади. Тадқиқот дастуринг мураккаблиги ва кенг миқёсдалиги сабабли, унинг натижаларини қайта ишлашда ЭХМдан фойдаланилади.

Таҳлилий тадқиқот – бу социологик таҳлилнинг энг муҳим ва чуқурлашган шакли ҳисобланади. Бу тадқиқотнинг мақсади нафақат ўрганилаётган ҳодисанинг структуравий элементларини тасвирлаш, балки, мазкур ҳодисанинг асосини ташкил қилувчи тарқалганлик, ўзгарувчанлик ва барқарорлик ёки беқарорликнинг сабабий алоқаларини аниқлашдан иборат. Мазкур тадқиқот ҳам маълумот тўплаш усуллари бўйича, ҳам бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам комплекс характерга эга. У шаҳар, вилоят ва республика доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда, катта ҳудудини қамраб олади. Таҳлилий тадқиқот давомида бир-бирини тўлдирувчи социологик методлардан хусусан сўровноманинг турли шакллари, ҳужжатлар таҳлили, кузатув каби усуллар умумий тарзда қўлланилади.

Тадқиқотнинг бу шаклида эксперимент методидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда социолог сабабий алоқалар ва омилларни чуқурроқ аниқлашга кўмак берувчи маълум бир вазиятларни ҳосил қилади. Бундай тадқиқотни экспериментал, ёки социал эксперимент деб аташ ҳам мумкин.

2. Социологик тадқиқот усуллариинг қисқача хусусиятлари.

Социологик тадқиқотлардаги маълумот тўплаш методларининг барчасини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: миқдорий ва сифатий (сифатга оид).

Миқдорий тадқиқотлар инсонларнинг миқдор жиҳатдан ўлчаш мумкин бўлган хулқ-атвори хусусиятларини объектив ўрганиш ва кўп ҳолларда у, ёки бу долзарб масалалар бўйича жамоатчилик фикрини тасвирлаш мақсади учун мўлжалланган тадқиқотлар ҳисобланади.

Сифатий тадқиқотлар маълумотларни тўлароқ олишга, тадқиқот предметига жамоатчилик фикри берган баҳони тушуниш ва шарҳларни оширишга мўлжалланган. Сифатий тадқиқот инсонларнинг хулқ-атвор, установкалари мотивлари ҳақида маълумот олишга, яъни, “Нима учун?” деган саволга жавоб беришга имкон беради

Аслини олиб айтганда, сфатий тадқиқот кўпроқ кашф қилиш (очиш) жараёни, миқдорий тадқиқот эса мавжуд гипотезаларни тасдиқлаш ва исботлаш жараёнидир.

Шуни унутмаслик керакки, миқдорий ва сифатий усуллар ўзининг махсус тадқиқот мақсадлари, мўлжаллари ва ўрганиш объектларига эга.

ФЖШМҚМИ тажрибаси шуни кўрсатадики, миқдорий ва сифатий тадқиқотларни бир-бирига қарши қўйиш мумкин эмас, чунки улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Уларни қўллашга нисбатан шундай ёндашилгандагина ҳаққоний маълумотни олиш мумкин. Сифатли тадқиқот натижаларини миқдорий усул бўлган контент-таҳлил ёрдамида миқдорий кўришга келтириш мумкин. Миқдорий тадқиқотларни ўтказишда маълумот тўплашнинг сифатий технологилари ҳам тез-тез қўлланилади (ассоциациялар, тугалланмаган гаплар, қопқон-саволлар ва бошқ.)

Бироқ, тадқиқотчилар одатда ўзларининг аввалги тайёргарлиги, ёки ўрганаётган муаммоларининг хусусиятидан келиб чиқиб у, ёки бу процедурага асосий урғуни қаратади. Бу вазиятда, альтернатив (сифатий, ёки миқдорий) маълумотлар натижаларни тасвирлашда яхши намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Изланишлар амалиётида сифатий тадқиқот тушунчаси етарлича кенг ва хар доим турлича талқин қилинади. Агар миқдорий тадқиқотда “Қанчалик тез?”, “Қанчалик узоқ?” деган саволларга миқдорни қайд қилувчи (санок бирлигида: кўп, кам) етарлича объектив жавоб олсак, сифатий тадқиқотда “Сизга ННТ ишлаш ёқадими?” деган саволга биз муносабатнинг сифати, ёки бошқача айтганда, индивиднинг социал тажрибасидан келиб чиқиб, унинг ўз сўзларидан, у учун предметнинг муҳимлиги, субъектив қадрини белгиловчи, номинал жавоб оламиз (Масалан, ННТда ишлаш қизиқарли, зерикарли эмас ва бошқ.).

Бундай маълумотлар математик жиҳатдан эмас, балки, субъектив мазмунларни аналитик очиб бериш орқали таҳлил қилинади.

Сифатий тадқиқотлар кўпроқ социал амалиётнинг индивидуал жиҳатлари – аниқ вазиятларда аниқ инсонларнинг реал ҳаётий малакасини ўрганиш учун ўтказилади. Лекин индивидуалликни таҳлил қилиш орқали ижтимоий гуруҳлар, ҳаракатлар ва ҳаттоки аниқ ижтимоий вазиятларда социал институтлар фаолиятининг хусусиятларига алоқадор бўлган кенгрок социал муаммолар ўрганилиши мумкин. Маълумотларнинг қўшимча манбалари бўлиб миқдорий маълумотлар ҳам хизмат қилиши мумкин (мисол учун статистика), аммо уларнинг таҳлили ҳам аналитик ёндашув асосида амалга оширилади.

Социологик тадқиқотларнинг асосий усуллари қаторига қуйидагилар киради:

1. Сўров – одатда социологик тадқиқот ўтказиш билан боғлиқ бўлган социологик тадқиқотнинг ўзига хос усули. Ушбу усулдан моҳирона фойдаланиш учун нима ҳақида сўраш, қандай сўраш, қандай саволларни

бериш, ва ниҳоят олинган маълумотларнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак бўлади. Ушбу эмпирик социологик усул кўпчилик инсонлардан чекланган ҳажмдаги маълумотларни йиғиш бўйича тенгсиз бўлиб икки хил кўринишда ишлатилиши мумкин:

Анкета сўровида, сўровнома иштирокчиси анкета сўровномасини анкета ўтказувчи иштирокида ёки ўзи яқка ҳолда яъни юзма-юз ёки масофавий равишда мустақил тўлдиради. Масофавий тарзда анкета сўровномасини ўтказиш борасида ОАВ сўрови(газета, журнал, телевидения орқали), сўнгги йилларда эса интернет сўрови кенг тарқалган шакллари ҳисобланади. Анкета сўровининг муҳим устун тамони унинг анонимлик тамойилига асосланиши ҳисобланади. Анкета сўровининг муҳим ютуғи унинг анонимлик тамойили ҳисобланади. Бироқ бу ҳам респондентнинг (сўровнома қатнашчисининг) жавоблари тўғри эканлигини кафолатламайди, шу сабабли тадқиқотчи тўпланган маълумотларни таҳлил қилишда бу омилни доимо инобатга олиши зарур.

Сўров куйидагича турланади, *очиқ сўров* – респондентлар эркин усулда фикр билдирадilar. *Ёпиқ сўров варақасида* барча жавоб вариантлари олдиндан белгиланган бўлади. *Ярим ёпиқ анкеталарда* юқоридаги икки усулни ҳам қўлланилади. *Зондаж*, ёки *экспресс сўров* жамоатчилик фикрини ўрганишда қўлланилади ҳамда 3-4 банддан иборат асосий маълумот ва унга кўшимча сўровда иштирок этаётганларнинг демографик ва ижтимоий хусусиятлари билан боғлиқ бир нечта бандлардан иборат.

Маълум гуруҳ ичида анкета сўрови ўтказиш индивидуал сўровдан фарқ қилади. Биринчи вазиятда 30-40 нафар инсонлардан бир вақтнинг ўзида сўров ўтказилади: анкета сўрови ўтказувчи респондентларни бир жойга тўплаб, уларга кўрсатма беради ва анкеталарни уларга тўлдиришлари учун қолдиради, иккинчи вазиятда у ҳар бир респондентга индивидуал равишда мурожаат қилади.

• **Интервью ўтказиш**, социологнинг олиб борилаётган тадқиқот доирасида респондент билан суҳбат ўтказиши, унда тадқиқотчи савол беради ва берилган жавобларни ёзиб боради.

Интервью усулининг бир нечта кўринишлари мавжуд: *тўғридан-тўғри* (социолог респондент билан бевосита суҳбатлашади); *билвосита* (телефон орқали суҳбат); *формаллаштирилган* (саволнома аввалдан тайёрланади); *фокуслаштирилган* (диққат марказига аниқ ҳодиса кўйилади); *эркин интервью* (олдиндан белгиланмаган эркин суҳбат).

Сўровнинг бу шакли маълум бир профессионал (касбий) тайёргарликни талаб қилади. Шунинг учун бу усулни қўллашда респондентлар билан интервью ўтказувчилар учун кўрсатма бериш (инструктаж)ни ташкил этиш

зарур. Жонли суҳбат эса, ижобий жиҳат ҳисобланади. Шунини ҳам ҳисобга олиш зарурки интервью ўтказишда анкета сўровига хос бўлган анонимлик, бўлмаслиги мумкин, бу эса бироз объектив бўлмаган жавобларни олинишига олиб келиши мумкин. Амалий социологиянинг усуллари тизимида сўровлар **оммавий ва махсус (эксперт сўрови шаклида) сўровларга** ажратилади.

Эксперт сўрови эмпирик даражадаги социологик сўров тури сифатида ўрганилаётган соҳа мутахассислари фикрлари асосида олинган маълумотларни ишончлилиги ва объективлиги текширишга имкон беради. Бу тадқиқотнинг маъсулятли тамонларидан бири экспертларни танлаб олиш ҳисобланади.

Мутахассислар – бу ўрганилалаётган соҳа билимдони, ушбу соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлган таниқли мутахассис шахслардир.

Мутахассислар танлашдаги энг кенг тарқалган усуллар қуйидагилардир: *хужжатли* (ижтимоий-демографик маълумотлар ўрганиш асосида); тест асосида мутахассислар танлаш, ўз-ўзларини баҳолаш асосида мутахассислар танлаш ва уларни бошқа одамлар тамонидан берилган тавсияси асосида мутахассисларни танлаш.

Оммавий сўровлар кўп сонли аҳолини сўроқ қилиш зарур бўлган ҳолатларда қўлланилади. Оммавий сўровларда аҳолининг демографик, ижтимоий-касбий, этник, диний ва бошқа гуруҳлари маълумот олишнинг асосий манбаси ҳисобланади.

2. Кузатиш– бу содир бўлаётган воқъелик ва ҳодисаларни визуал қайд этишдир. Кузатиш давомида тадқиқотчи тамонидан инсонларнинг хулқ-атворнинг аҳамиятга молик жиҳатлари бланка ёки кузатув кундалиги, фото ва видео тасмаларга муҳрланади; кузатув жараёнинг барча ҳилма-ҳилигини (эксперимент қатнашчиларининг хулқ-атвор, эмоция, мимикаси) таҳлилини ўз ичига олган дастлабки маълумот йиғилади.

Кузатув турли хил: *нотузилмавий* (кузатувнинг аниқ режаси бўлмай, аниқланган вазиятнинг фақат умумий хусусиятлари мавжуд бўлса); *тузилмавий* (кузатув учун аниқ режа, объект ҳақида етарли маълумотлар мавжуд бўлса); тизимли, тизимсиз бўлиши мумкин.

Кузатув ташкилий жиҳатларига кўра *дала* (табiiй шароитларда кузатиш) ва *лаборатория* (экспериментал вазиятда) тадқиқотларига бўлинади. Ҳар қандай кузатувлар тартиби қуйидаги саволларга жавоблардан иборат бўлади: «Нимани кузатиш зарур?», «Қандай қилиб кузатиш зарур?» ва «Қандай ёзиб қайд қилиб олиш керак?». Кузатув кузатилаётган воқъелик ёки жараённинг ўзгарувчанлиги ҳақида маълумот олиш имконини беради.

Кузатув масадига кўра *илмий* ва одатий, шаклига кўра *бевосита* ва *билвосита*, хусусиятига кўра *англанган* ва *англанмаган* бўлади. *Илмий*

кузатув амалиётда исботланувчи кузатувдир. *Бевосита кузатув* – бу социал гуруҳни «ичидан» ўрганиш бўлиб, бунда тадқиқотчи ўрганилаётган гуруҳ билан ишлайди ёки биргаликда яшайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам, кузатув анланган ёки анланмаган тарзда амалга оширилиши мумкин.

Кузатув методининг тавсифи



1-шакл. Кузатув методининг тавсифи

Бевосита кузатув – Бу тадқиқотчи бир вақтнинг кузатилаётган гуруҳнинг аъзоси сифатида кузатувни олиб боришидир. Бундай тадқиқотда гуруҳ аъзолари ўзларини кузатилаётганлигини билмасликлари кузатувни яширин олиб боришга имкон яратади. Бу услуб ёпиқ гуруҳларини кузатишда самарали ҳисобланиб этнографик тадқиқотлар ва ёпиқ гуруҳларда кейс стади(муаммоли вазият) тадқиқотларида қўлланилади. Бундай тадқиқот техникасини кўп вақт сарафлашни талаб этади.

3. Контент-таҳлил – бу социологик тадқиқотларда фойдаланиладиган, ҳужжатларни таҳлил қилиш усулидир. Контент-таҳлилни ўзига ҳос хусусияти шундаки тадқиқ этилаётган матнда (ҳусусан, баённома, доклад, публикация) у ёки бу маъновий бирликларни ақс этиши ва қайталанишни ҳисобга олишни кўзда тутди. «Бундай тарздаги миқдорий матнлар тавсифини олиш, сифатли ҳусусан, ҳужжатнинг латент-яширин мазмуни

борасида хулосалар қилиш имкониятини беради».² Шу сабабдан бу метод хужжатларнинг миқдорий-сифатий таҳлили сифатида тавсифланади. Ушбу эмпирик социологик метод социологик тадқиқот натижасида олинган маълумотлар сифатли таҳлилида субъективликни камайтиришга ёрдаб беради. Социологик тадқиқотлар амалиёти ва назарияси барча социологик изланишлар хужжатларни таҳлил этишдан бошланишини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда бу методни қўлланилиши компьютер технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ.

4. Жамоатчилик фикрини ўрганишда қўлланиладиган усулларидан яна бири «фокус – гуруҳ» тадқиқоти ҳисобланади. Социологияда фокус – гуруҳ тадқиқотида сифатий тадқиқот сифатида ёндашилади. Бу усул объект ҳақида нафақат рационал билимларни, балки унга нисбатан эмоционал муносабатларни ҳам тадқиқ қилиш имконини беради. «Фокус – гуруҳ» тадқиқоти олинган маълумотлар нафақат жараённинг умумий қонуниятларини кўриш, балки уни чуқур ҳис этиш имконини беради.


Фокус-гуруҳ тадқиқоти, олинган маълумотларнинг даражаси, жамоавий ўзаро-таъсир этиш муҳокама объектининг ижтимоий контекстидан тортиб онг ости мотивлари асосида юзга келишини, иштирокчилар уни танлаш ёки рад этиши асосидан ташкил топади.

Фокус-гуруҳ тадқиқотлари қўлловчи асосий соҳа, товарлар ва хизматлар анъанавий маркетинги борасидаги маркетинг тадқиқотлар ҳисобланади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирга кунда фокус-гуруҳ тадқиқотлари нотижорат ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилишда кенг фойдаланилмоқда. Масалан турли ижтимоий лойиҳалар ва дастурларнинг самарадорлигини баҳолашда шунингдек сиёсий арбобларнинг имиждини ўрганиш билан боғлиқ “сиёсий маркетинг” да қўлланилмоқда. Айтиш мумкини, фокус-гуруҳ тадқиқотини ўтказиш тадқиқотнинг муҳим элементига айланиб ва кенг маънода бозор ва демократия институтларини ишлаб туришини муҳим элементига айланмоқда³.

² Богомолова Н.Н., Стефаненко Т.Г. Контент-анализ. Спецпрактикум по социальной психологии. М., 1992, стр. 18.

³ Белановский С.А. МЕТОД ФОКУС-ГРУПП.—М.: Издательство Магистр, 1996, стр. 4

Социологик тадқиқотлар таснифи:



2-шакл. Социологик тадқиқот таснифи

II. СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Социологик тадқиқот муаммони ўрганишда имкон қадар объективликга қаратилган тизимли тадбирларни амалга ошириш ва муайян кетма-кетлигини назарда тутувчи босқичлардан иборат бўлади.

Биринчи босқичда муаммони танлаш зарур, бунда эътибор талаб этадиган ва илмий методлар ёрдами билан таъсир этувчи жиҳатларни ҳисобга олиш зарур.

Иккинчи босқичда ўрганилаётган мавзуга оид адабиётлар ва мавжуд назарияларни ўрганишга тўғри келади.

Учинчи босқичда тадқиқотнинг дастури шакллантирилади: тадқиқотнинг мақсади, унинг вазифаси, режаси, танланган муаммонинг

долзарблик асосидаги илмий фарази, маълумотлар йиғиш методлари, тадқиқот натижаларини қайта ишлаш, тадқиқотнинг ўтказиш муддатлари ва бошқа ташкилий жиҳатлар белгилаб олинади.

Гипотеза – ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни тушунтиришда тасдиқлаш ва рад этиш учун илгари суриладиган илмий фараз. Дастлабки илгари сурилган гипотеза бутун тадқиқот жараёнини ички мантиғини олдиндан белгилаб бериши мумкин. Гипотезлар – бу ўрганилаётган муаммоларни юзага келиш сабабларининг тавсифи борасида аниқ ва ноаниқ билдирилган таклифлар. Таъкидлаб ўтиш лозимки, илмий фаразани аниқ ифода қилиш социологик тадқиқотни ўтказишда принципиал аҳамиятга эга. Таъкидлаш ўтиш лозимки, тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда, тавсиялар ишлаб чиқишга таъсир кўрсатувчи, илмий фаразнинг аниқ ифодаси социологик тадқиқот ўтказишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади⁴.

Социологик тадқиқотнинг тўртинчи босқичи бевосита дастлабки маълумотларни йиғишдан иборат бўлади. Шу ўринда маълумотлар йиғишда турли методлар қўлланиши мумкин: анкета ўтказиш ёки интервью олиш шаклидаги социологик сўров; контент-таҳлил (тадқиқотчилар қайдномаси, хужжат ва бошқа маълумотномалардан кўчирмалар); кузатиш эксперимент ва бошқа методлар.

Бешинчи босқичда олинган маълумотларни электрон қайта ишлаш амалга оширилади. Бунда тўпланган маълумотлар компьтердаги махсус дастурлар (Excel, Access, SPSS ва б.) ёрдамида қайта ишланади ва умумлаштирилади. Бу босқичда эмпирик маълумотларни дастлабки таҳлили мос равишда амалга оширилишни таъминлаш имкониятига эга математик олимларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Яқунловчи (**олтинчи босқичда**), қайта ишланган маълумотларнинг таҳлили ўтказилади, тадқиқот якунига кўра ахборот-таҳлилий ҳисобот тайёрланади ва асосий хулосалар аниқ ифода этилади. Бу босқичда олинган эмпирик маълумотлар асосида тадқиқот гипотезасини таҳлил қилиш мумкин⁵.

Еттинчи босқич олинган хулосалардан келиб чиқиб эксперт таклифлари муҳокамасини ишлаб чиқиш ва ташкил этишдан иборат бўлади.

⁴ ФЖШМҚМИ жамоатчилик фикрини ўрганиш секторини социологик тадқиқотлар ўтказишдаги тажрибаси кўрсатадики, сифатли ишланган тадқиқот дастури илк босқичлардаги методологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

⁵ Таъкидлаш лозимки илмий фараз тасдиқланади ёки аксинча. Илмий фараздаги хатолик тадқиқотнинг самарасизлигини билдирмайди, у фақатгина дастлабки таҳминларни тасдиқланмаганлигидан гувоҳлик беради. Илмий фараздаги хатолик – бу қимматли социологик маълумот бўлиб ҳам хизмат қилади.

Эмпирик маълумотларни таҳлилидан сўнг олинган хулоса ва таклифларни эксперт даражасида баҳолаш амалга оширилади.⁶

Объект қандай ўрганилаётганлигига қараб (статик ёки динамик) қуйдагича ажратиш мумкин:

-Аник ёки навбати билан ўтказиладиган тадқиқот, ўрнилаётган объектнинг ўрганилаётган пайтда маълумот билан таъминлаб, лекин унинг ўзгаришлари динамикаси ва ривожланиш тендециялари ҳақида хулоса қилишга имкон бермайди;

- **такрорий тадқиқотлар** - муайян вақт оралиғида бир дастурдан, бир инструментарианидан фойдаланган ҳолда, қиёсий таҳлилларни амалга ошириш учун ўтказиладиган тадқиқот.

Такрорий тадқиқот муҳим қурилиши панел тадқиқотлари ҳисобланади. Унинг ажралиб турадиган хусусияти шундаки, ўрганилган бир категория доирасида ўтказилади.

1. Тадқиқот муаммосининг аник ифода этилиши

Тадқиқотга тайёргалик кўриш муаммони аник ифода этилиши билан бошланади. Муаммо кўпинча қандайдир ҳал этилмаган масалалар билан тенглаштирилади. Ҳар бир муаммо қатор масалаларни ўз ичига олади, масалалар, гарчи, муаммонинг кўрилиши бўлсада лекин ҳамма масала ҳам муаммо бўлавермайди. Муаммо бу аник ва ноаниқ чегаралардан таркиб топган масаладир, шунинг учун уни қўйилиши маълум билимлар чизиғидан чиқишни англатади. У олдинги билимлар мавжуд муаммоларни ечишга имкон бермаса, янгилари эса ҳали йўлга қўйилмаган юзага келади. Яъни муаммо ҳал этишни талаб этадиган, зиддиятли вазият.

Муаммо – бу жамият ҳаётида юзага келган ва кўплаб одамларнинг манфаатларига даҳлдор бўлган зиддиятли жараён. Муаммонинг қўйилиши социологик тадқиқотнинг бошланишини бўғини ҳисобланади. Муаммо бевосита ҳал этиш талаб этиладиган ижтимоий вазифадир.

Муаммо социологик тадқиқотнинг бутун билиш фаолиятига қаратилган аник масалалар шаклида ифода этилади. Муаммони қўйиш жараёнида иккита асосий бажариладиган иш тартибини ажратиш мумкин: Муаммоли ҳолатни тушуниш ва муаммони аник ифодалаш.

Муаммони аник ифодалашда унда муаммоли ҳолат сифатида уни юзага келтирувчи реал зиддиятларни кўрсатишга интилиш лозим.

⁶ Ушбу омилни аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, ФЖШМҚМИ жамоатчилик фикрини ўрганиш сектори фаолиятидаги тажрибалар шуни кўрсатадики, ўтказилган социологик тадқиқот натижалари бошқарувга оид қарорлар қабул қилишда фойдаланилади, шунинг учун бу синчиклаб ўрганишни талаб этади

Кенг миқёсдаги муаммоларни қўйишдан чекланиш лозим, айниқса унчалик катта ҳажмда бўлмаган тадқиқотларда бу муҳим рол ўйнайди⁷. Ижтимоий муаммо доимо, муайян одамлар бирлиги билан боғлиқ бўлган тарқатувчисини назарда тутати. Ўрганилаётган ижтимоий муаммони тарқатувчиси социологик тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Объектни белгилаш тадқиқот предметини аниқлаш билан билгаликда амалга оширилади. Тадқиқот предмети ўрганилаётган муаммони кўпроқ даражада акс эттирувчи ва ўрганиш зарур бўлган объектнинг алоҳида тамонлари ва таркибини ўз ичига олади.

Қоидага кўра, тадқиқотнинг предмети муаммодаги марказий масаладан иборат бўлиб, ижтимоий муаммо ва тадқиқот объектини ўзаро алоқасини акс этади.

2. Социологик тадқиқот дастурини тузиш

Социологнинг барча ишларини босқичлари унинг асосий хужжати бўлган социологик тадқиқот дастурида акс этиши лозим.

Социологик тадқиқотларда дастур мажбурий хужжат ҳисобланади. Тадқиқотнинг назарий ёки амалий, тезкор ёки узоқ муддатли бўлишидан қатъий назар, унинг дастлабки маълумотлари, мақсади ва вазифаси, методик таъминоти, ташкилий структураси тадқиқот дастурида белгиланади.

Социологик тадқиқот дастури кутилаётган тадбирнинг режаси ёки схемасини, бутун тадқиқотнинг концепциясини ифода этиш мақсадидаги, илмий тадқиқотларнинг стратегик хужжатлар турига киради. У ўрганилаётган аниқ ходиса ва жараённинг методологик ва методик усулларнинг назарий асосланишидан иборат бўлади.

Дастурнинг методологик қисми муаммонинг асосланиши, мақсадларни кўрсатиш, тадқиқотнинг объекти ва предметини белгилаш, асосий тушунчаларнинг мантиқий таҳлили, илмий фаразни ва тадқиқотнинг вазифаси таърифларишидан иборат бўлади. определении объекта и предмета исследования, логическом анализе основных понятий, формулировке гипотез и задач исследования.

Дастурнинг методик қисми бир бутунликни касб этиб, дастлабки социологик маълумотлар йиғишда фойдаланиладиган методлар тавсифи, маълумотлар йиғишда воситаларнинг мантиқий структураси, маълумотларни

⁷ ФЖШМҚМИ жамоатчилик фикрини ўрганиш сектори фаолиятидаги тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳудудлардаги фуқаролик жамияти ривожланишининг барча амалий муаммоларини аксариятини методологик характердаги хатолар юзага келтирмоқда, хусусан биринчи навбатда аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш масаласи акс этади.

ҳисоблаш техникасида қайта ишлашнинг мантиқий схемаси кабиларни ўз ичига олади.

Дастур қуйдаги талабларга мос келиши лозим:

- 1) унинг бача қоидалари аниқ бўлиши керак;
- 2) у кетма-кетликда ва мантиқий асосланиши керак;
- 3) у айрим тузатишлар киритиш мумкин даражада бўлиши лозим;
- 4) у мавжуд имкониятлар билан ҳал этиш лозим бўлган вазифалардан таркиб топган бўлиши лозим.

3. Танлаш.

Аксарият социологик тадқиқотлар ялпи эмас, танлов характерида бўлади: Қатъий қоидалар бўйича, ўрганилаётган объект доирасида ижтимоий-демографик белгиларига кўра муайян одамларни саралаб олишдир. Бундай тадқиқот танлаб олинган деб номланади.

Танлаб олиш орқали тадқиқ этиш, ўзи ҳақида ва ўзининг фикрларини берувчи респондентлардан махсус сараланган гуруҳи одамларининг хулқ-атвори ҳақидаги маълумотларни сўровнома воситасида тизимли йиғиб олиш усулидир.

Тўғри ўтказилган танлов ҳар қандай сўровномани муваффақияти кафолати ва дастлабки заруриятидир. Агар социолог танлов жамламасини яъни сўровномада иштирок этувчи одамлар гуруҳини нотўғри ташкил этса, тадқиқот натижалари аниқ чиқмайди ва у ҳеч кимга керак бўлмайди.

Ялпи сўровнома ўтказишдан кўра, танлов методи сезиларли устунликларга эга. Масалан иш ҳажмини қисқартиради, куч ва маблағни иқтисод қилига имкон беради, амалда ялпи ўрганиш имонияти мавжуд бўлмаган объектларни ҳам ўрганишга имкон беради. Танлов тадқиқотнинг илмий қоидаларига риоя этилсагина бу яхши натижа беради.

Танлаш социологик тадқиқот объектининг бевосита ўрганишга кўйилган элементлари йиғиндисидир.

Ишончли натижалар олиш учун, танлаш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим.

Механик танлов методи. Умумий мажмуадан тенг ораликдаги респондентлар керакли миқдорда сараланади. (масалан, ҳар ўнинчиси).

Серияли танлов методи. Тадқиқ этиш учун умумий мажмуадан бир турдаги қисмларга бўлиниб ва ҳар бир қисм тенг равишда саралаб олинади (масалан, ҳар бир қисмдан 20% респондентлар).

Тўп-тўп танлаш методи. Саралаш бирлиги сифатида алоҳида респондентлар эмас, балки гуруҳлар бўлади. Бундай танлаш усули, агарда гуруҳлар таркиби ўзаро ўхшаса қўлланилади.

Асосий массив методи. Сўровномани умумий 60-70% яхлитликда тақдим қилади.

Квант танлов методи. Респондентларни танлашда тўрттадан кам бўлмаган белгидан фойдаланишни талаб этадиган, бир мунча мураккаб метод ҳисобланади.

Бундай тадқиқотларда танлов мажмуасида сўровномада қатнашишдан бўйин товлаш назорат белгисига кўра 5% дан ошмаса **репрезентативлик** деб ҳисобланади. Унчалик катта бўлмаган умумий мажмуада (масалан, 100-250 киши билан факультета доирасида) ялпи анкета сўровномаси ўтказилса репрезентативлик бўлади. ОўЮ доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда талабалар умумий сонининг 10% дан сўровномада ўтказиш лозим бўлади.

4. Мақсад.

Тадқиқотнинг мақсади унинг якуний натижаси билиш учун мўлжалланади, назарий-билиш, ва амалий вазифаларнинг, тадқиқот мақсадини амалга оширишга олиниши керак бўлган жавобларни саволларини ифода этади.⁸ Шу ўринда таъкидлаб ўтамизки, социологик тадқиқотни эмпирик мақсад тузишда аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Мақсад – бу тадқиқот ўтказишда, унинг натижасида олишни хоҳлаган бирқанча кутилаётган натижаларимиз.

Мақсад – Фақадгина тадқиқот ўтказиш ёрдамида эришиладиган кутилаётган якуний натижанинг (муаммони ҳал этилиши) моделидир. Мақсаднинг қўйилган дастурга қаратилиши, назарий, услубий, ташкилий, мезонларнинг самарадорлиги учун хизмат қилади. Фундаментал ёки назарий тадқиқотдан кутилаётган натижалар ижтимоий объектнинг структураси, функцияси, ривожлариши шакли борасида янги билим болиши мумкин.

Тадқиқотлар мақсадига кўра икки турга ажратилади:

- ижтимоий-муаммоларни ҳал этишда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадига қаратилган, назарий-амалий;
- Аниқ ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган, амалий тадқиқотлар.

5. Вазифалар.

Тадқиқотнинг мақсадини аниқлаштириш, тадқиқотнинг вазифасини илггаи суришга имкон беради. **Вазифалар** - муаммонинг таҳлили ва ечими учун белгилаб қўйиладиган ҳаракатларнинг аниқ талаблардир. Улар мақ-

⁸ Ядов В.А., Социологическое исследование - методология, программа, методы, 1995, стр. 27

садни амалга оширишга хизмат қилади ва воситачилик характерига эга бўлади.

Улар асосий ва хусусий бўлиши мумкин. Асосий ва хусусий вазивалар мантиқан боғланган бўлиб, хусусийлари асосийларидан келиб чиқади. Масалан, амалий тадқиқотнинг асосий вазифаларига: муаммога оид мавжуд адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш; олинган маълумотларни йиғиш ва таҳлил этиш; шунингдек муаммони ҳал этиш вариантларини ишлаб чиқишлар киради.

6. Тадқиқотнинг объекти ва предмети.

Объект – бу муаммоли вазиятни келтириб чиқарувчи ва ўрганиш учун танлаб олинган жараён ёки ҳодисадир. Тадқиқот ишини ўтказиш давомида тадқиқотнинг объекти ва предмети учун бир қанча вариантлар мавжуд бўлади. Дастлабки ҳолатларда тадқиқотнинг объекти ва предмети ўзаро бутунлик ва унинг қисми каби нисбатда бўлади. Улар ўртасидаги алоқадорликни бундай белгилаш, предметнинг объект ичида бўлишлигини билдиради.

Айнан тадқиқотнинг предмети тадқиқотнинг мавзусини аниқлаштиради. Тадқиқотнинг предмети аниқ ижтимоий реалликдаги муаммоли ҳолатларни, субъектнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини ўз ичига олиб илмий билиш жараёнига киритади.

Муаммонинг таҳлили асосида объектни белгилаш амалга оширилади. Муаммоли ҳолатлардаги ижтимоий зид мазмундаги ижтимоий воқъелик объект сифатида ҳисобланади.

Социологик тадқиқот объекти кенг маънода у ёки бу ижтимоий муаммони ўз ичига олади, тор маънода социолога зарур маълумотни бера оладиган одамлар ёки объект. Кўп ҳолатларда ижтимоий гуруҳ объект сифатида юзага чиқади. Мисол учун, агар Олий ўқув юртларида кечга қолишларни сабаби ўргалилаётган бўлса, талабалар ва ўқитувчилар объект бўлиб ҳисобланади.

7. Предмет.

Тадқиқотнинг предмети ўрганилаётган муаммони тўла равишда ифодаловчи ва ўрганишга йўл очувчи тамонларини ўз ичига олади. Олий ўқув юртларида дарсга кеч қолиш сабаблари – бу тадқиқотнинг предметиدير. У ўзида тадқиқотнинг объекти ва ижтимоий муаммони ўзида жамлаганлигини ифодасини кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг предмети – объект муносабатлари ва мавжуд таркибини билишда айникса тадқиқот муаммосини ечимини топишда муҳим рол ўйнайди. Предметни аниқлаштириш объектнинг таркиби ва қуйилган муаммонинг тавсифи, социологнинг илмий даражаси, тадқиқот восита-

ларининг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Предмет тадқиқот объектининг таркиб ва белгиларини таҳлили асосида шакллансада, лекин у билан мос тушмайди. Бир объект турли муаммолари ечими топишда ўрганилиши мумкин ва кўплаб тадқиқот предметларини назарда тутиши мумкин. Предмет ўрганилаётган муайян тадқиқот объекти доирасида билиш чегараларини белгилайди. Предметнинг тўғри танланиши, муаммонинг аниқ ифодаси ва объектнинг тизимли таҳлилинини таъминлайди. Тадқиқотнинг муаммоси етарли даражада аниқ бўлмаган ҳолатларда, предметни қўйиш учун илмий изланиш зарур бўлади.

8. Гипотеза.

Гипотеза – ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни тушунтиришда, муаммони ҳал этишда, тасдиқлаш ва рад этиш учун илгари суриладиган, илмий фараз

Гипотеза илмий изланишни бош йўналишини белгилаб, асосий методологик восита ҳисобланади ва бутун тадқиқот жараёнини ташкилотчиси бўлади.

«Илмий фаразга қуйдаги иккита асосий талаблар мавжуд бўлади:

а) илмий фараз аниқ бўлмаган тушунчалардан иборат бўлмаслиги керак;

б) у мавжуд усуллар ёрдамида синовдан ўтган бўлиши керак.⁹

Илмий фараз (гипотезани) текшириш мантиқий ҳулосани келтириб чиқарадиган натижани текшириш демакдир. Илмий фаразни текшириш натижаси фаразни тасдиқлаш ёки рад этиши мумкин.

Гипотезалар – бу ўрганилаётган муаммонинг тавсифи ва юзга келиш сабаблари ҳақидаги таклифлар ифодаси.

Гипотезаларни шакллантириш учун олдинги ўтказилган тадқиқотлар маълумоти ёки иқтисодиёт, статистика, психологияга оид маълумотлар борасида дастлабки ахборотларга таяниш лозим. Изланувчилик тадқиқоти илмий фаразга эга бўлмаслиги мумкин лекин, таҳлилий, сабабий алоқаларни, вазифавий боғлиқликни ўргашиш, қоидага кўра бундай боғлиқликнинг айнан қайси жиҳатлари билан алоқадорлиги, қандай тавсифлари, йўналиши ва кучи, доимо илмий фаразга таянади.

Тадқиқотнинг вазифаси – бу тадқиқотда қўйилган мақсадни амалга оширишда, муаммони ҳал этишда ёки илгари сурилган илмий фаразларни текшириш учун зарур бўладиган тадқиқот фаолиятidir.

⁹ Ануфриев А.Ф. Научное исследование. Курсовые, дипломные и диссертационные работы. 2004, стр. 21.

9. Кўрсаткичлар (Индикаторлар).

Белгиларни қайд қилишга асосланувчи тушунча индикатор (кўрсаткичлар) тушунчаси дейилади. Бу ўрганилаётган объектнинг кузатиш ва ўлчаш мумкин бўлган, бошқа тавсифлари билан алоқадорликга киришадиган, бевосита тадқиқ қилиш имкони мавжуд бўлмаган элемен ёки хусусиятларидир.

Кўрсаткичларни излаш жараёни кўп босқичли жараён ҳисобланади. Қачонки дастурда ҳал қилувчи тушунчалардан кўрсаткичларни қайд қилишга ўтилса, бу муассоли ҳолатнинг мантиқий структураси англатади. Эмпирик маълумотлар йиғилгандан сўнг, уни яна ушбу структурага солиштирилади ва шундан сўнг бунинг асосида тадқиқот натижаларини изоҳлаш мазмуни юзага келтирилади. Дастлабки илмий фаразлардан ўз тастикини топмаганлари чиқариб ташланади, мос келганлари эса амалиётда синаш учун жорий этилади.

10. Тадқиқот инструментариyasини (маълумот тўплашда қўлланиладиган воситалар) шакллантириш.

Тадқиқот ва маълумотлар йиғишга тайёргарлик кўришда инструментариyasини (маълумот тўплашда қўлланиладиган воситалар) ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади: анкета, интервью бланкалари, қайд қилувчи карточкалар, кузатув кундалиги.

Анкета ва интервью усулида маълумот тўплашда қўлланиладиган воситаларни шакллантиришдаги асосий қоидалар бир-бирига мос тушади.

Анкета орқали сўровнома ўтказиш социологик маълумот йиғишда кенг қўлланилаётганлиги туфали бунга атрофлича тўхалиб ўтамиз.

Социологик анкета ўзи билан режа ёки сценарий, респондентлар билан суҳбат тақдим қилади. Бу ўртача 25 тадан 30 тагача саволларни компьютерда хужжатларни кўпайтириш усули билан чоп этилган кўринишидир. Социологик анкета бу ўрганилаётган объектни сифатли ва миқдорий характеристикасини аниқлаштиришга йўналтирилган, саволлар йиғиндисидир. Анкетани тузиш – мураккаб иш бўлиб, муайян даражада касбий маҳоратни талаб этади.

Миқдорий-сифатли тавсифлар олиш учун қуйдаги талабларга риоя этиш лозим.

1. *Анкетани структураси ва барча изоҳлари респондентлар учун тушунарли бўлиши керак*, яъни анкетани мустақил равишда тўлдира олишлари керак.

2. *Саволларда қуйдаги жиҳатлар мавжуд бўлмаслиги керак:*

- сўровнома иштирокчиларнинг малака даражасидан ошиб кетишлиги;

- салбий эмоцияларни уйғотучи ва респондентларни иззат нафсига тегувчи;

- социологнинг фикри билан боғлаш;
- Жавоб вариантларини кўп бўлиши.

3. *Агар анкета саволлари сони кўп бўлса, унда саволлар мавзуга оид блокларга гуруҳланади.*

4. *Анкета саволларига респондентлар эркин шаклда жавоб бериши мумкин булса, унда бу очик, жавоб вариантлари анкетада тақдим этилса ёпиқ, агар юқоридаги икки вариант ҳам мавжуд бўлса ярим очик анкета саволи деб юритилади.*

Очиқ саволлар одамларни асосий фикрини аниқлашга имкон беради: Одамлар уларнинг нарзида нима ўзларини кўпроқ безовта қилишларини айтишади. Лекин бу тарзда олинга маълумотларни қайта ишлаш мураккаб жараёндир, шу ўринда натижаларни изоҳлашда субъективликни инкор қилиб бўлмайди.

Ёпиқ саволлар жавобларни изоҳлашда қатъийликга имкон беради. Бунда жавобларни мазмунан мулоҳазаси аниқлабгина қолмасдан довомли баҳолашни ўлчовига ҳам имкон яратади. Асосийси имкон қадар барча жавоб вариантларини кўриб чиқишдир.

Ярим очик саволларда жавоб вариантлари ҳам бўлади, уларнинг орасида респондентлар ўзларининг жавоб вариатини ёзиш учун жой қолдириб кетилади.

5. Жавоб вариантларини шакллантиришда қуйдаги қоидаларни эслаб ўтиш лозим:

- *Респондентлар саволларга жавоб бериши мобайнида кўпинча охиригисидан кўра биринчи жавоб вариатини танлайди, шунинг учун биринчи позицияга эҳтимолиги юқорироқ жавобни жойлаштириш керак.*

- *Тақдим этилаётган жавоблар варианты қанча кўп бўлса, уни танлаш эҳтимоллиги шунчалик паст даражада бўлади яъни фикрни ўзлаштириш учун кўп вақт талаб этади, шу боис жавоблар варианты сўзлари сони тенг бўлгани маъқул.*

- *Жавоб варианты қанчалик мавҳум характерга эга бўлса, уни танлаш эҳтимоллиги шунча кам бўлади. Шунинг учун барча жавоб вариантлари муайян даражада аниқликда бўлиши лозим.*

- *Бир жавоб вариантыда бир гнечта гояларнинг кетма-кетлигини келтириш керак эмас. Масалан, "Иш қизиқарли ва яхши тўлашади". Ҳар бир хусусият алоҳида жавоб вариантыда келтирилиши лозим.*

- *бир саволда тақдим этилаётган жавоб вариантлари бир саҳифага чоп этилган бўлиши лозим;*

- *ижобий руҳдаги вариантларни ёки аксинча салбий жавоб вариантларини кетма-кет керак эмас.* Бундай ҳолатларда таклиф этилаётган вариантларни оқибатини нуқтаи назаридан белгилашлари мумкин;

- *Агар тақдим қилинаётган жавоб вариантлари кўп бўлса, унда респондент уни ўқишдан чарчайди ва оҳиргиларига озроқ мулоҳазакорлик билан эътибор қаратади.* Бундай муаммоларни юзага келишини олдини олиш учун:

- *жавоб вариантларини танлаш сонини чегараланганлиги белгилаш;*

- *Жавоб беришдан ўзини олиб тортувчилар учун ёпиқ саволга жавоб вариантлари орасида «Жавоб беришим қийин» вариантини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.* Бу вариант респондентга эркинликни тақдим қилиб, сўровномага чин кўнгилдан ёндашишга ундайди. Саволларга тақдим этилган нундай формуладаги жавобларнинг бўлмаслиги, респондентларнинг сўровномада иштирок этишдан бўйин товлашига олиб келиши мумкин.

Социологик сўровнома якунлангандан сўнг биринчи навбатда анкета ва интервью бланкаларини тўлиқ тўлдирилганлиги текширилади. Агар улар орасида нотўғри ёки 30% тўлдирилмаган анкеталар аниқланса, унда бу анкета бланкалари яроқсизга чиқарилади ва қайта ишлашга тўхри келмайди.

Озрок сондаги (100 экземпляргача) анкеталарни ёзма равишда, кўп бўлса компьютерларда қайта ишлаш лозим. Ҳозирги кунда бунинг учун махсус компьютер дастурлари ишлаб чиқилган.

Натижаларнинг математик ҳисобини олгандан сўнг, тадқиқотчи социологик маълумотлар таҳлили ва уларни изоҳлашга киришиши мумкин. Чуқур таҳлил, илмийлик, объективлик ва изоҳларнинг мукаммалиги тадқиқотчининг малакасига, ижтимоий реалликни таҳлил қила олиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Тадқиқотнинг якунловчи қисмида унинг натижалари ҳужжатларга расмийлаштирилади: бу тадқиқотнинг долзарблиги ва унинг тавсифини асослашни ўз ичига олувчи ахборот-таҳлилий ҳисобот; Эмпирик материалларнинг таҳлили; хулоса ва амалий таклифлар; шунингдек таблицаларни илова қилиш каби кўринишларда бўлиши мумкин.

III. СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ

Тадқиқот натижасида олинган маълумотларнинг ишқилиғи ва аҳамиятлиғи, кўп тамонлама тадқиқотга тайёргарлик кўриш ва ўтказишдаги методологик ва методик жараёнга синчковлик билан риоя этилишига боғлиқ бўлади. Турли хил тадқиқотларда бу бир тамондан респондентнинг шахси, хусусан маълумотлилик даражаси, маданияти, хотира таркиби, психиканинг химоя механизмлари, шунингдек, ўрганилаётган муаммога, тадқиқот ўтказиётган шахсга ёки ташкилотга унинг муносабати билан билан боғлиқ бўлади. Бошқа тамондан, социологик тадқиқотнинг объекти сифатида ўрганилаётган гуруҳнинг ўзига ҳос хусусиятига (масалан, ёшлар, тадбиркорлар, давлат структураси ва нодавлат ноижорат ташкилотлар вакиллари ва б.) боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, олинган маълумотнинг сифати, саволнома листни тузишдаги касбий маҳоратидан тортиб респондентлардан изланаётган маълумотларни олиш бўйича интервьюерлик ишларини усталик билан ўтказувчи тадқиқотчининг ўзига ҳам боғлиқ бўлади.

Респондентлар олинган маълумотларнинг фаол манбаси ҳисобланади. Объект билан у ёки бу тарздаги контакт натижасида, тадқиқотчи объектнинг ҳолати борасида муҳзага ундовчи реакция ега бўлади. Ҳар қандай кўринишдаги айниқса шахсий контакт кўринишидаги суҳбатлар, эмпирик маълумотлар натижасига таъсир этувчи ўзига ҳос коммуникация усули ҳисобланади. Социологик сўровномада контакт сўз ёрдамида амалга оширилади. Объект билан контакт усулига боғлиқ равишда реакция турли хил бўлиши мумкин.

Респондентлардан олинган маълумотларнинг ишончилиғи, уч омилга боғлиқ бўлади: Социологик респондентларни ушбу саволга жавоб бериш борасидаги хоҳишини тушунган ҳолда саволларни қандай туза олишни билишлиғи.

Тадқиқот натижаларини ишончилиғи ва объективликнинг юқори даражасига эришиш учун, уни ўтказишда қуйдаги иш тартибига риоя қилиш лозим бўлади:

1. *Сўров ёки интервью ўтказиш учун жой ва вақтни респондентларнинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда танлаш.* Шу ўринда танланган жой ёруғ ва илиқ (агар тадқиқот оби-ҳаво совуқ кунлари ўтказилса) ва шамол яхши айланган (агар тадқиқот оби-ҳаво иссиқ

кунлари ўтказилса) бўлиши керак. Ташқи омиллар олинадиган маълумотлар сифатига таъсир ўтказмаслиги керак.

2. *Респондент вақт билан чегараланиб қолмаслиги ва таклиф қилинаётган саволларга жавоб бериши учун интервью ўтказиш вақти улар учун қулай вақтда бўлиши керак*

3. *Ҳар қандай бир турдаги сўровномани маълумотларни бузилишини камайтириш мақсадида уни ўтказиш муддатини оптималлаштириш лозим. Шунинг учун маслиҳат лозимки, респондентлар вақт билан боғлиқ ва бошқа шароитлар таъсирида шунчаки жавобларни тасдиқлаб қўйиши ҳам мумкин.*

Сўровномани ўтказиш узок вақт давомида чўзилиб кетмаслиги керак, чунки ташқи шароитлар ўзгариши мумкин, олинмиши керак бўлган маълумотлар эса сўровнома қатнашчиларининг бир-бирларига фикрларидан фойдаланиб берилишига олиб келиши мумкин. Бундай муҳокамалар респондентлар таркибига кечроқ қўшилганларнинг жавобларини характеристикасига таъсир этиши мумкин.

4. *Анкета ва интервьюнинг ўлчами ёки узунлиги сўровнома сифатига бевосита таъсир этади. Жуда кўплаб саволлар респондентларни чарчатиб қўйиши мумкин ва у унга бўлган қизиқишини йўқотади, демак жавобларни объектив тарзда бермайди, уни тезроқ тўлдиришга ҳаракат қилади.*

5. *Интервьюернинг ташқи кўриниши ҳам муҳим саналади. Интервьюернинг кийиниш жиҳатдан мос бўлмаган кўринишда бўлиши, респондентларда сўровномага эътиборни сусайтиради ва ўқизилмайдиган тадбирга нисбатан менсимаслик муносабатини юзага келтиради.*

6. *Респондентнинг социологиянинг фойдаси тўғрисида ва ҳусусан жамоатчилик фикри сўровлари борасида аҳамиятга эга фикрга эгаллиги. Сўровномага ижобий муносабатда бўлувчи респондентлар, бошқа респондентларга қараганда кўплаб муносабатларда ўзларини бошқача тутадилар. Улар камдан кам ҳолатларда муайян жавоблардан ўзини четга оладилар, очиқ саволларга фаол тарзда ва тўлалигича жавоб берадилар. Шу билан бирга, респондент анкетада кўтарилган саволларда жамоатчилик ёки шахсий манфаатларни кўрмаса, унинг сўровномага нисбатан муносабати бошқача бўлади.*

7. *Респондентни қизиқиши кўп жиҳатдан сўровноманинг бошланиш характерига боғлиқ бўлади. Айнан унинг таъсири остида суҳбат ёки сўровнома давомида ўзгариши осон бўлмаган муносабат шакллантирилади.*

8. *Тадқиқот бошланишидан олдин респондентлар билан умумий тил топилиши, улар учун қулай шароит яратиб бериш жуда муҳим саналади.*

Интервьюер респондентларнинг ишончи ва эътиборини қозониши керак бўлади.

9. Дастлабки суҳбат давомида сўровноманинг иштирокчисини номи ошкор этилмаслиги муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Респондентга анонимликга қандай усул билан риоя этилиши кўрсатилиши керак. Мисол учун, агар сўровнома аудиторияда ўтказилаётган бўлса, тўлдирилган анкетани бошқа анкеталар тўпламига қўшиб қўйиш ёки махсус қутичага ташлаш кераклигини тушунтириш лозим бўлади.

10. Агар респондент интервьюернинг шошилмаётганини, ўз ишини тезда тугатишга интилмаётгани кўрса, респондентнинг фаоллиги ва уни саволларга жиддий ўйлаб жавоб бериши сезиларли равишда ортади.

11. *Интервьюернинг мулойим бўлиши, бир мавзудан бошқа мавзуга кескин сакрашларсиз ўтиши жуда катта аҳамият касб этади.*

12. *Интервьюер респондентлардан ўз ҳоҳлаган жавобни эшитишни эмас, уларнинг реал жавобларини қайд қилиши керак бўлади*

13. Тадқиқотда ишончли маълумотларни олишда муҳим хусусиятлардан бири “учинчи шахс”ларнинг мавжуд бўлмаслиги ҳисобланади. Сўровнома ва интервьюларни “учинчи шахс”нинг иштирокисиз ўтказиш лозим бўлади, акс ҳолда улар респондентларнинг реакцияси таъсир этиши, олинган маълумотларда бузиб кўрсатишларга олиб келиши мумкин. Бундай одамлар суҳбатларга қўшилади, ўзини фикрини билдиради, респондентларни ҳақиқатни гапирмасликга ундайди. Баъзида Иногда «учинчи шахслар» кулгили ҳолатни яратиб респондентларни аҳамиятсиз жавобларни белгилашга ундайди. Бошқа тамондан респондентлар ўзлари бирор-нарсани эслаш учун бошқа респондентлардан ёрдам сўрайдилар.

14. *Шунингдек тадқиқот натижаларинидан манфаатдор бўлган шахсларни сўровнома ўтказиш вақтида қатнашмаслигини таъминлаш зарур.* Мисол учун, сўровнома мактаб ўқувчилари орасида ўтказилса, бу жараёнда ўқувчилар ёки ўқувчиларнинг жавобларига таъсир этувчи бошқа кишилар бўлмаслиги лозим.

15. *Ўрганилаётган у ёки бу гуруҳнинг фаолияти, ҳаёт тарзи, ҳуқуқ-атворини ҳисобга олиш ҳам аҳамиятли ҳисобланади.* Мисол учун, ёшлар, ўспиринлардаги ёшига оид ўзига ҳослиги, нуқтаи-назардаги ва ижтимоий позициядаги қатъиятсизлик, ота-онага боғлиқлик, ўзига нисбатан ишончсизлик тадқиқотнинг дастлабки маълумотларини бузилишига олиб келиши мумкин. Бу социологик сўровнома ўтказишда ўзининг фикрларини ифода этмасдан, умум қабул қилинган, ижтимоий аҳамиятга эга жавобларни белгиланишига олиб келади. Ўспиринлар, қандай ҳуқуқ-атвор маъқулланиши

кайсилари эса интервьюерда салбий таъсурот уйғотишини жуда яхши тушунадилар.

*

*

*

Фокус гуруҳ самарадорлигини ўн босқичи

Фокус-гуруҳ методининг самарадорлигини ва “думалоқ стол” каби турли тадбирларда қўллаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, унинг ўтказиш борасидаги услубига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Фокус-гуруҳ тадқиқоти маълумот йиғишнинг энг кенг тарқалган сифатли методи ҳисобланади.

Фокус-гуруҳ ўрганилаётган муаммо бўйича фикрлар турфа ҳиллигини аниқлашга мўлжалланган. Фокус-гуруҳнинг самарадорлиги шундаки, агар одамлар муҳокамага гуруҳнинг бир қисми сифатида жалб этилса кўпчилик иштирокчилар ўзларини қулай ҳис қилишидадир.

1-босқич: Фокус гуруҳ тадқиқоти ўтказиш учун мақсадни илгари суринг.

Бунинг учун аниқ саволларни қўйиш ва ишончли маълумотларни олишни ўзида аниқ тасаввур этиш лозим. Умумий мақсадни яхши ифодаланмаганлиги натижаларни қайта ишлашни мураккаблаштиради.

Шунинг учун, мақсадни қўйгандан сўнг ўзингизга савол беринг - Нима учун мен бунни билишим керак? Одатда бу саволга жавоб “фокус-гуруҳ” нинг мақсадини тубдан ўзгаришига олиб келади. Мақсад қанчалик аниқ бўлса, тадбирни ўтказиш шунчалик осон.

2-босқич: Олиб бориладиган ишларни тартибини тузинг.

Фокус гуруҳ тадқиқотини бир кунда ташкил қилишнинг имкони йўқ. Тайёргарлик тадбир ўтказилишидан тўрт ҳафта олдиндан кечиктирмай бошланади. Олти ёки саккиз ҳафта фокус гуруҳ тадқиқотини ташкиллаштиришда энг мақбул муддат ҳисобланади. Қоидага кўра айнан шу муддат ичида, қатнашчиларни таклиф этиш, саволларни тайёрлаш ва синаш, тадбир ўтказиладиган жойни ташкил этиш, тадбир ўтказиш учун қўшимча материалларни тайёрлаш ишларини олиб борилади. Қуйида фокус гуруҳ тадқиқотини ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган ишлар рўйхати келтирилган.

1. Мақсадни аниқлаштириш – тадбир бошланишидан 6-8 ҳафта олдин
2. Қатнашчиларни саралаш - тадбир бошланишидан 6-8 ҳафта олдин

3. Қатнашчиларни таклиф этиш - тадбир бошланишидан 6-8 ҳафта олдин
4. Координаторни танлаш - тадбир бошланишидан 4-5 ҳафта олдин
5. Таволларни тайёрлаш - тадбир бошланишидан 4-5 ҳафта олдин.
6. Сценарийни тайёрлаш - тадбир бошланишидан 4-5 ҳафта олдин.
7. Тадбир ўтказишга жойни тайёрлаш - тадбир бошланишидан 4 ҳафта олдин.
8. Таклифномаларни юбориш - тадбир бошланишидан 4-5 ҳафта олдин.
9. Қатнашишни тасдиқлаш - тадбир бошланишидан 2 ҳафта олдин.
10. Бинони ҳозирлаш - тадбир бошланишидан 1 ҳафта олдин.
11. Тадбир ҳақида эслатма юбориш - тадбир бошланишидан 2 кун олдин.
12. Тадбир учун қўшимча материалларни тайёрлаш - тадбир бошланишидан 2 кун олдин.
13. Тадбирни ўтказиш
14. Миннатдорчилик хатларини юбориш - тадбир ўтказилгандан 2 кундан сўнг
15. Қайд қилинган маълумотларни қайта ишлаш - тадбир ўтказилгандан 2 кундан сўнг
16. Яқунлашга тайёргарлик кўриш ва қатнашчилар натижасини юбориш - 1 ҳафтадан сўнг.
17. Ҳисобот тайёрлаш – Олинган барча маълумотларга ишлов берилганидан сўнг .

3-босқич: Қатнашчиларини саралаш ва таклиф этиш.

Фокус гуруҳ тадқиқотида кимлар иштирок этишларини ҳал этиш беш босқичда ўтказилади:

1. Қатнашчилар сони қанча бўлиши керак ва қанча таклиф этиш зарурлигини ҳал этинг.
2. Яна бир бор фокус гуруҳнинг мақсадини эсланг ва қатнашчиларга ҳос бўлган ҳал қилувчи тавсифлар варақасини тайёрланг.
3. Рўйхатни қаранг ва қатнашчиларни камида икки тавсифи бўйича танланг.
4. Рўйхатни тузинг ва таклифномаларни тарқатинг.

Фокус гуруҳ қатнашчиларининг сони:

Фокус гуруҳ қатнашчиларининг сони 6-12 кишидан ошмаслиги керак. Олти кишидан оз қатнашчилар – муҳокама инсониятини чегаралайди яъни муҳокамани қўллаб-қувватлашга етарли фикрлар мавжуд бўлмайди. Йигирмадан ортиқ қатнашчилар ҳам тўғри келмайди, ҳаммага ҳам ўз

фикрини баён этиш насиб этмайди, қатнашчилар ўртасидаги алоқа эса йўқолади.

4-босқич: Саволларни тузиш.

Тушунинг, фокус гуруҳ тадқиқоти бир ярим-уч соат мобайнида ўтказилади, шу вақт давомида сиз 8-10 саволдан ортиқ савол бера олмайсиз.

Саволларининг кетма-кетлиги ва ифодаси саволларини мазмуни олдида унчалик аҳамиятга эга эмас. Самарадорликга эришиш учун умумийликдан хусусийликгача очиқ бўлиши лозим.

Саволларни тайёрлаб бўлгандан сўнг, фокус гуруҳнинг мақсадига қайтинг. Қандай саволлар мақсадга мувофиқ эмас? Қайси саволлар кўпроқ аҳамиятлироқ? Қайси саволларга қатнашчилар жавоб бера олади? Кўпроқ саволларни рўйхатдан ўчириб ташланг. Саволлар устида гуруҳ бўлиб ишланаётган бўлса, гуруҳ аъзоларидан уларнинг нарзида муҳим бўлган бешта саволни умумий рўйхат ичидан кўрсатишларинини сўранг. Бешта саволни танлаб олишингиз билан, қайта кўриб чиқувчи профессионал муҳаррирга мурожаат этинг. Жараённинг якунида саволларни тартиб билан жойлаштиринг. Саволларни жойлаштиришда қуйдагича мантиққа асосланинг: умумийликдан хусусийликга, оддийликдан мураккабликга, ижобийликдан салибийликга.

Саволларни синаб кўринг. Жавоблар сизни қанчалик керакли маълумотлар билан таъминламоқда? Кўп ҳолларда саволлар яхши ҳисобланади, лекин, жарангламайди. Саволларни ўзингизга бериб кўринг ва жавоб беришга уриниб кўринг, агар сиз фокус гуруҳ тадқиқоти иштирокчиси бўлганингизда қандай жавоб берган бўлардингиз? Ҳодимларни тўпланг ва фокус гуруҳни сунъий яратинг. Агар ҳаммаси яхши бўлса – демак барча нарса тайёр. Агар аксинча бўлса, саволларни қайта кўриб чиқинг.

5-босқич: Сценарий тайёрлаш.

Саволларни тайёрлаш, аслини олганда фақатгина фокус гуруҳ тадқиқотини ўтказишниг ичзил сценарийсига тайёргарлик кўришнинг муқаддимаси ҳисобланади. Ягар сизда тури учрашувлар ўтказиш борасида тажриба бўлса, унда сценарий шарт эмас. Лекин олдиндан ўйлаб қўйилган сценарийни бир қанча устор тамонлари бор:

Сценарийни ёзиш жараёни саволларни мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг кетма-кетлигини яна бир бор синовдан ўтказиб беради.

Сценарий фокус гуруҳ ишини бир маромда боришини таъминлайди ва кутилаётган натижаларни олишга имкон яратади.

Сценарий "бошқа тамонга оғиш" ва вақт йўқотишни олдини олади.

Сценарий, фокус гуруҳ координатори бетараф тамондан таклиф этилган ҳолларда жуда кул келади.

Фокус гуруҳ сценарийси уч қисмдан иборат бўлади:

1. Биринчи қисми очилиш маросими бўлиб, фокус гуруҳнинг иш тартиби, мақсади ва вазифаси, билан қатнашчиларни таништиришдан иборат бўлади.
2. Иккинчи қисми саволларга жавоб олиш учун мўлжалланган бўлади.
3. Яқунловчи учинчи қисми, қатнашчиларга миннатдорчилик билдириш, оқ йўл тилаш каби сўзлардан иборат бўлади.

6-босқич: Мувофиқлаштирувчини (координаторни) танлаш.

Фокус гуруҳ ўтказишнинг алоҳида фарқли тамонларидан бири, шу турдаги тадбир ўтказиш борасида муайян тажрибага эга мувофиқлаштирувчини (координаторни) маҳорати ҳисобланади. Бундай талабдан ҳавотирга тушманг. Бу сизга факат юқори малакали маслаҳатчи дегани эмас, сизга жамоавий муҳокамалар ўтказиш борасида маҳоратга ва яхши репутацияга эга лидер керак. Жумладан координатор қуйдаги сифатларга эга бўлиши лозим: "қони қайноқ" иштирокчилар билан суҳбатлашиш давомида тактикани ҳис этиши; мавзудан четлашмаган ҳолда муҳокамани қўллаб-қувватлаши; барча қанташчиларга ўзларининг фикрларини баён этишига имкон яратиши лозим бўлади.

Координатор ташкилот ходимларидан ёки кўнгилчилардан бири бўлиши мумкин. Жамоа икки кишидан координатордан сифатида фойдаланиш мумкин, бири муҳокамани олиб борса иккинчиси қайд қилиб боради.

Координатора ёки координаторларни юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай ноқулай ҳолатлардан огоҳлантириб қўйинг. Мисол учун, ташкилотнинг директорлар кенгаши раиси ўзининг ходимлари билан, фаолият самарадорлигини баҳолашнинг янги ситемасига бағишланган фокус гуруҳ тадқиқотини координатция қилиши сизга мутлақо керак эмас.

Шунингдек, яна бир фактни ҳисобга олинки, маслаҳатчи сифатида таклиф қилинган қатнашчилар ўзларини фикрларини билдиришда янада очикроқ бўлишади.

7-босқич: Фокус гуруҳ тадқиқоти ўтказиладиган жойни танлаш.

Қоидага кўра, ойнаванд деворлар, қайд қилувчи қурилмалар каби айрим касбий жиҳозлардан фокус гуруҳ ўтказиладиган жойда фойдаланишга зарурат йўқ. Фокус гуруҳ тадқиқотини ўтказиш учун иштирокчилар ўзларини қулай ҳис қиладиган, ўзларини фикрларини очик баён этишга ундайдиган жой зарур бўлади.

Тадқиқот ўтказиш жойини танлаш давомида қуйдаги саволларга жавоб топинг:

Тадқиқот ўтказиш жойидан умумий таъсуротлар қандай бўлади? (Бу жой кооператив тадбирлар мўлжалланганилик таъсавур уйғота оладими).

Яратилган шароит муҳокамага қанчалик ундайди ?

Яратилган шароит маълумот йиғишга қанчалик таъсир қилади?

9-15 одам бир-бирларини кўриб туришлари учун уларни қандай қулай тарзда жойлаштириш керак?

У ерга етиб бориш қанчалик осон?

Яратилган шароит фокус гуруҳ тадқиқоти иштирокчилари қулай бўлиши керак.

8-босқич: Фокус гуруҳ тадқиқотини ўтказиш

Фокус гуруҳ тадқиқоти ўтказида сизга керак бўладиган материаллар:

Блокнотлар, қаламлар, ручкалар

Ёзув доскаси, мел

Сценарий

Қатнашчилар рўйхати Списание участников

Қатнашчилар исмлари ёзилган Баджи

Чанқоқбости ичимликлар

Соатлар

Фокус гуруҳ тадқиқотини ўтказиш амалда фақатгина қатъий ёзилган сценарий билан чегараланиб қолмайди. Координатор барвақт келиши аудиториядаги ҳолатни текшириши (столлар одатда ярим доира шаклида тартибланади), чанқоқбости ичимликларни мавжудлиги ва б. мумкин. Қатнашчиларни йиғиш учун, сўзларни ифодали билдириб, худдики уларни муҳим шахслар сифатида кутиб олиши керак.

Фокус гуруҳ фаолияти бошлагандан сўнггина координаторнинг ҳақиқий сифати кўринади. Бу ҳам ишга оид учрашувларни мувофиқлаштиришдек иш, фақат у динамик ҳолатда бўлади. Қуйдаги қоидалари эслаб ўтиш зарар қилмайди:

1. Сўзларнинг ифодаси: Иштирокчилар ўзини эркин ҳис қилишлари, жараёнларни осон қабул қилишлари керак.

2. Ҳар бир иштирокчининг фикри тингланилаётганига ишонтиринг.

3. Тўлиқ жавобни кутиб туринг.

4. Кетма-кетликга риоя қилинг.

5. Маъвзудан четга чиқманг

6. Алоҳида масалалар муҳокамасида диққатни ушлаб туринг.

9-босқич: Натижаларни изоҳлаш ва ҳисобот тузиш.

Фокус гуруҳ ўтказиш бўйича ҳисбот ёзишнинг уч босқичи:

1. Ҳар бир савол бўйича натижаларни асосланг. Агар овоз ёзиш мосламасидан фойдаланадиган бўлсангиз, у мувофақиятли ўтганига ишонч

ҳосил қилинг. Овозларни қайд этишларда мувофақиятсизлик юз берган ҳолларда, сиз уни тадбир тугаши билан қайта тиклашингиз мумкин. Бунда координатор таъсуротлар билан улашиш учун ўтган фокус-гурӯх тадқиқоти ҳақида муҳокама қилиши зарур.

Жараёнинг охирида фокус гурӯх бўйича дастлабки натижаларни қайд қилинг.

Незамедлительное воспроизведение на бумаге того, что было сказано на фокус группе, поможет предотвратить смешение событий. Намного легче восстановить события или образное выражение участников сразу по окончании мероприятия, нежели через месяц.

2. Натижаларни таҳлил қилинг. Таҳлилни қайт қилинган маълумотларингизни ўқишдан бошланг. Умумий йўналишлар ва қутилмаган жумлаларга эътибор қаратинг. Ёдда тутинг, сўзнинг ибораси ва ифодаси айтилган фикрдан моҳиятидан кўра кам аҳамиятга эга эмас. Агар берилган изоҳлар эмоциялар ёки жавоб реакцияларда салбий оҳангда бўлса, буни алоҳида анализ қилишингизга тўғри келади.

3. Ҳисобот ёзинг. Якуний ҳисобот бир қанча кўринишга эга бўлиши мумкин, лекин фокус гурӯх тадқиқоти ўтказишнинг мақсади, табирнинг барча жиҳатлари, натижалар ва хулосаларни ўзида намоён этиши керак.

ФЖШМҚМИ томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижаларидан намуналар

(қискача намуналар¹⁰)

I. «Аҳолининг фуқаролик ўз-ўзини англашининг долзарб масалалари» мавзусидаги социологик тадқиқот

Дастлабки маълумотлар.

2014 йил.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади сифатида аҳоли орасида фуқаролик тушунчасининг шаклланиши ва англаниши даражаси, миллий ва демократик кадриятларга муносабати шунингдек, сиёсий, ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ўрганиш белгилаб олинди.

Анкета сўровномаси Республиканинг барча ҳудудларида, жумладан барча вилоятлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Сўровномада иштирок этганлар 1,400 респондентни ташкил қилди, хусусан 18-24 ёш тоифаси – 37%, 25-30 ёшгача – 18%, 31-45 ёшлилар – 24%, 46-60 тоифаси – 18%, 60 ёшдан ошганлар – 4% ни ташкил қилди. Респондентлардан 1% ўз ёшини кўрсатмаган. Респондентлар жинсига кўра тенг равишда 50% дан аёл ва эркакни ташкил қилган. Яшаш ҳудудига кўра Қишлоқ аҳолиси – 55%, Шаҳар аҳолиси – 45%.

Респондентлардан ўзларининг даромад топиш даражаларини баҳолаш сўралганда, ўрта даража – 85%, ўртадан паст – 8%, юқори – 4%, кам таъминланган – 2% деб кўрсатишган. Сўровда иштирок этганларнинг 1% бунни кўрсатиб ўтишмаган.

Аҳолининг фуқаролик тушунчасини англаши даражаси.

Респондентлар, сиз учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш нимани англатади қабилдаги саволга жавоб беришар экан, ўз мамлакати фуқароси учун биринчи даражадаги аҳамиятга эга мезонлар ва элементларни келтиришди. Тадқиқотнинг натижаси шуни кўрсатдики, кўпчилик респондентлар (23%) Ўзбекистон фаровонлиги йўлида хизмат қилиш улар учун Ўзбекистон фуқароси бўлишлигини англатади. Бошқача қилиб айтганда мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, кўпчилик фуқароларнинг фаровонлик даражасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тадқиқот иштирокчиларининг 21% учун фуқаро бўлиш – ўзбек тилини, тарихи ва маданиятини билиш, 20% иштирокчилар учун «Ўзбекистон учун

¹⁰ Социологик тадқиқот ўтказишда (ташкилий-методик, дала тадқиқотлари ва бошқа босқичларда) ФЖШМҚМИ тадқиқодчилар гуруҳи, хусусан Ф.Парманов, А.Сеитов, К.Каланов, П.Пак, Ф.Мусаев, Ш.Наврозовлар иштирок этишди.

фахрланишни ҳис этиш», 16% - «Фуқаро сифатида малакат қонунларида кўрсатилган барча мажбуриятларга қатъий риоя қилиш», 11% учун «Ўзбекистон ҳудудида яшаш»ни аниқлатади. Сўровнома иштирокчиларининг озчилик қисми (9%) «инсон ва давлат ўртасида умумий манфаатлар ва қатъий алоқалар» жавоб вариантини белгилашган.

Тадқиқотнинг натижаси, кўпчилик респондентларнинг (33%) мамлакатнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилишга тайёр эканлигини кўрсатди. Маълумотлар умумлаштирилганда «Фуқароликни англаш» атамаси остида респондентлар анаъанавий тарзда фуқаро ўзи яшаётган мамлакат фаровонлиги йўлида жамоатчилик аҳамиятига молик фаолиятларга қатнашишни маъқул кўриши аниқланди.

Иштирокчиларнинг бошқа бир қисми (21%) «ўзининг мамлакатини ҳар қандай ҳужумлардан ҳимоя қилишга тайёрлигини» билдирган. Ўзининг ватанини ҳимоя қилиш, садоқатли бўлиш, ватанга бўлган муҳаббат, ўзининг ҳаракатлари билан ватан манфаатларига хизмат қилиш ватанпарварлик туйғусини намоён бўлишини кўрсатади. Респондентларнинг озчилик қисми (16%) қонунларга риоя этиш ва солиқларни ўз вақтида тўлаш керак деб ҳисоблашган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2% респондентлар «Ўзи ва ўзининг манфаатлари тўғрисида ўйлашини, давлат ўзи ҳақида ўзи қайғуриши керак» лигини билдиришган.

Респондентларга ўзининг фуқаролик бурчлари борасида савол билан мурожаат этилди. Иштирокчиларнинг кўпчилиги (19%), фуқаролик бурчи тушунчаси остида ватанга муҳаббат ва содиқлик, фуқаролик жамияти қуриш ва ижобий ўзгаришларга ўз ҳиссасини қўшиш (17%), қонуний мажбуриятларни адо этиш, ўзининг мамлакатига фойда келтиришга ҳаракат қилиш (16%) каби тушунчаларни тушунишини таъкидлашган.

Юқорида келтирилган жавоблар у ёки бу даражада шахсий манфаатдан мамлакат ривожига фойда келтириш манфаати устунлигини билдиради.

Иштирокчиларнинг озчилик қисми «Ўзбекистоннинг хориждаги ижобий имиджини мустаҳкамлаш» ва «мамлакатда юз бераётган жараёнларга шахсий дахлдорлик ҳиссини» туюшлари тўғрисидаги жавобларни билдиришган (5% дан).

Шундай қилиб, фуқаролар онгида ватанпарварлик ҳисси шахсий манфаатларга қараганда кўпроқ намоён бўлади. Биринчи навбатда фаровонлик, юртга садоқат, юрт ҳимоясига мойилликнинг ривожланиши муайян тарзда респондентларда кучли ватанпарварлик туйғусини кўрсатмоқда.

Миллий қадриятларга муносабат.

Аҳоли ўртасида ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики, аксарият респондентлар (24%) миллий қадриятлар тушунчаси остида халқнинг тарихий ва этник ўзига хослигини тушунишлигини, маънавий ва маданий юксалиш, миллат, ҳудуд, иқтисодий ресурслар ва маънавий қадриятлар ҳимояси учун миллий ўзликни англаш (22%) каби тушунчаларни келтиришган.

Бундан ташқари респондентлар «Миллатга садоқат ва вафо» (18%), «миллий умумийликни акс эттирувчи, унинг бирлиги ва бутунлигини сақлашга хизмат қилувчи ижтимоий-сиёсий ва психологик мақсадларни ўз олдига қўйиш» (15%), «Ўзининг миллати вакилларига нисбатан ҳаёрихоҳ муносабатда бўлиш хулқ-атвор ва фаолиятни ҳаракатлантирувчи муҳим куч» (10%) каби жавобларни белгилашган.

Респондентларнинг озчилик қисми (3%) «Бир этник гуруҳдаги одамларнинг ижтимоий ва маданий хулқ-атворидаги нормалар» деб жавоб беришган.

Респондентларнинг бошқа миллат вакилларига муносабатининг социологик мезонларини қуйдагича белгилаймиз. Уларнинг деярли учдан бир қисми яқин дўстлари орасида бошқа миллат вакиллари бор эканлигини таъкидлашган. 12% эса, қўшнилари орасида бошқа миллат вакиллари бор эканлигини билдиришган бўлса, 10% - оила аъзолари орасида, 8% - ҳамкасблари орасида бошқа миллат вакиллари бор эканлигини қайд этишган. Умуман олганда респондентлар томонидан бошқа миллат вакилларига бўлган муносабат ижобий эканлигини таъкидлаш лозим.

Оммавий онг структурасида демократик қадриятлар.

Респондентларнинг демократик жамиятнинг аҳамиятини тушунишларида, кўпчилик (31%) демократик ва сиёсий эркинликлар ҳусусан сўз, виждон ва бошқ. эркинликлар асосий принцип ҳисобланувчи жамиятни демократик жамият деб таъкидлашган.

Респондентлар «Ҳукумат сайловчиларнинг олдида ҳисоб берувчи, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига риоя этувчи, сиёсий рақобат бор жамият» – 19%, «Ўзининг фуқаролари тўғрисида қайғурувчи, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминловчи давлат» – 18% ва «Аҳолиси юқори фаровонлик даражасига эришган, ривожланган давлат» – 16% каби жавоблар билан демократик жамиятга таъриф беришган.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, кўпчилик иштирокчиларнинг фикрларига кўра мамлакатимизда сиёсий эркинликка ҳусусан сўз ва виждон эркинликларига риоя этилмоқда. Шунингдек

респондентларнинг жавоблари орасида мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясига ижобий баҳолар берилган.

Фикр сўз ва эътиқод эркинлиги, шахсий дахлсизлик, таълим олиш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи каби қадириятлар мамлакат аҳолиси учун муҳим саналади. Касаба уюшмаларига бирлашиш, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларида иштирок этиш, ижтимоий фаолликни митинглар, йиғилишлар ва иш ташлашлар орқали билдириш респондентлар учун аҳамиятсиз эканлигини билдиришди.

Таъкидлаш жоизки, демократияни янада мустаҳкамлаш учун респондентларни кўпроқ ижтимоий муаммоларни ҳал этиш қизиқтиришини билдиришган.

Ижтимоий фаоллик.

Ушбу тадқиқотнинг натижаси респондентларнинг ижтимоий фаоллик атамасини қай даражада тушунишини кўрсатди. Тадқиқот иштирокчиларининг аксарият қисми (27%) жамоатчилик ишларига ўзлари ва ён атрофидагиларда мойиллик, ижтимоий фаоллик бор деб ҳисоблашади. 25% респондентлар жамоатчилик ишларида имкон қадар иштирок этишларини таъкидлашган. Сўровномада иштирок этганларнинг 16% “ижтимоий фойдали ҳаракатлар учун тайёрлигини” ва “ён атрофидаги одамларни яхши томонга ўзгартиришга ҳаракат қилишини” билдиришган. Респондентларнинг қолган қисми (15%) “Шахс ўзининг атрофидаги жараён ва воқеъликка нисбатан онгли ва мақсадли фаолиятни амалга ошириш”ини билдириб ўтган.

Сўровнома натижасида респондентларнинг ижтимоий фаоллиги жамиятдаги одамларнинг бир-бирлари билан ўзаро алоқалари кўринишларида юзага келиши аниқланди. Тадқиқот якуни, аҳоли ўзининг муаммоларини ечиш ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлаша олишини кўрсатди.

Аҳолининг сиёсий фаоллиги.

Сўровнома давомида иштирокчиларнинг ярмидан кўпи (55% респондентлар), ҳар бир фуқаро ижтимоий-сиёсий ҳодисалардан фаол ҳаётий позиция нуктаи-назаридан хабардор бўлиши керак деб ҳисоблаши аниқланди. Бошқа бир қисми (17%) сиёсий жараёнга қизиқишни фуқаролик бурчи деб таъкидлайди. 11% респондентлар сиёсий жараёнга қизиқиш уларнинг касблари ва хизмат лавозими юзаси билан боғлиқ деб ҳисобласа, 5% респондентлар сиёсий жараёнга қизиқиш турли ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий партияларнинг фаол қатнашчиси бўлиши учун шароит яратади деб биледи. Шу билан бир қаторда сўровда иштирок этганларнинг ўндан бири сиёсий жараёнлар билан қизиқмаслигини билдиришди. Олинган маълум-

мотлар сиёсий жараёнларга қизиқиш (88 % ижобий) юқори эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг натижаси респондентлар томонидан сайлов жараёнига жиддий муносабатда бўлишлари юқори даражада эканлигини кўрсатди (78%).

Ҳуқуқий саводхонлик.

Сўровномада иштирок этганларнинг аксарият қисми қонунлар уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун қабул қилинишини ва ўтказилаётган ислохотларга ижобий муносабатда эканликларини билдирган. 28% респондентлар қонунлар ҳуқуқий давлат қурилиши принциплари, унинг дастурий вазифаларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида қабул қилинади деб таъкидлашган.

Тадқиқот давомида респондентларга ўзларининг ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун қандай чоралар кўришга тайёр эканлиги сўралди. Кўпчилик ҳолатларда респондентлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига шикоят билан мурожаат этишларини билдирдилар.

Асосий хулосалар.

Ўтказилган тадқиқот натижалари, фуқаролик ўз-ўзини англаш даражаси фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили ҳисобланишини кўрсатди. Асосий социологик кўрсаткичлар аҳолининг мамлакатни модернизация қилиш ва жамият ҳаётини либераллаштириш борасидаги босқичма-босқич ислохотлар фуқаролар томонидан кенг қўллаб-қувватланиши ва ижобий муносабатда эканлигини намоён этди.

Ўтказилган тадқиқот натижаси таҳлил қилинганда мамлакат аҳолисининг ўз-ўзини англаш даражасининг ҳозирги ҳолатини тавсифлаш, фуқаролардаги мавжуд кадриятлар тизими, давлатчилик қурилиши борасидаги идеаллари ва тасаввурлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокининг асосий жиҳатлари қуйдагича келтирилган:

1. Олинган маълумотлар мамлакат аҳолисининг фуқаролик позицияси аниқ ва муайян шаклланганлигини, мамлакат равнақи йўлида ўзининг ҳиссасини кўшишга тайёр эканликларини яққол намоён этади.

2. Миллий кадриятлар фуқароликни англашни шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Миллий кадриятлар, она тили ва жамоавий онгининг муайян шаклига ҳурмат билан муносабатда бўладиган тарихий заминда таркиб топади. Ўзбекистон аҳолиси индивидуал кадриятлардан кўра жамоавий кадриятларга риоя қилишга одатланган.

3. Респондентларнинг бошқа миллат вакилларига бўлган муносабатларининг социологик таҳлили, ўзбек жамиятида толерант тушунчаси юқори даражада эканлигини кўрсатди.

4. Мамлакат аҳолиси сиёсий ва ҳуқуқий соҳадаги эришилган сезиларли ўзгаришларда ўзларининг даҳлдорлик ҳисси билан яшаётганлиги кўрсатди.

5. Мамлакат аҳолисининг сиёсатга қизиқиш даражаси юқори эканлигини намоён қилди.

6. Аҳоли учун қуйдаги ҳуқуқ ва эркинликлар муҳим бўлиб қолади: фикр, сўз, эътиқод эркинлиги, шахсий даҳлсизлик, таълим ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи.

Фуқаролик фаоллигини оширишнинг истиқболдаги чора тадбирлари тўғрисида сўз юритадиган бўлсак биринчи навбатда жамоатчилик фаолияти жараёнларига ёш авлод вакилларининг жалб этилиши масаласини ҳал этиш лозим. ННТни жамоатчилик назорати доирасида ўтказиладиган тадбирларда, ҳуқуқий маданият шаклланиши ва бошқ. жараёнлардаги ролини истиқболда кучайтириш. Фуқароларнинг қабул қилинган қонунларга, давлат ва жамият олдидаги бурчларига нисбатан ижобий муносабат шаклланиши бўйича тадбирлар ўтказиш зарур.

II. «Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти институтларига аҳолининг муносабати» мавзусидаги социологик тадқиқот.

Дастлабки маълумотлар.

2015 йил.

Тадқиқотнинг инструментарияси ва таҳлили ФЖШМҚМИ нинг Жамоатчилик фикрини ўрганиш сектори томонидан бажарилди, сўровнома Институтнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри бўлимлари ходимлари томонидан формалашган шахсий интервью усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Социологик тадқиқот ўтказишдан олдин, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши, ННТ, ОАВ, Сиёсий партиялар, маҳалла каби институтлар фаолияти борасида жамоатчилик фикрини тўлиқ равишда тасвирлаш вазифа қилиб олинди.

Сўровномада Республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 1339 нафар респондентлар иштирок этишди. Иштирокчиларнинг 55% эркаклар, 45% аёллар ташкил қилишди.

Сўровномада иштирок этганларнинг ёш таркиби: 18-22 ёш – 10%; 23-27 ёш – 18%; 28-32 ёш – 21%; 33-37 ёш – 12%; 38-42 ёш – 10%; 43-47 ёш – 9%; 48-52 ёш – 7%; 53 ва ундан катталар – 10% (3% - кўрсатилмаган).

Сўровномада иштирок этганларнинг миллий таркиби: ўзбеклар – 85%; Маказий Осиё халқлари вакиллари: козоқлар, тожиклар, қорақалпоқлар – 9,1%; руслар – 0,3%; татарлар – 1%; бошқа миллат вакиллари – 0,6% (4% миллат кўрсатилмаган).

Респондентларнинг маълумот даражаси: олий – 58%; ўрта махсус – 34%; ўрта – 7% (1% жавоб кўрсатилмаган).

Сўровнома иштирокчиларининг касбий фаолияти: таълим соҳаси (ўқитувчи, педагог ва бошқ.) – 23,4%; иқтисодчи, бухгалтер ва бошқ. – 12%; ишчи мутахассислар – 10,7%; хизмат кўрсатиш соҳаси (тикувчилик, сартарош ва бошқ.) – 10,4%; врачлар, ҳамширалар – 6,3%; муҳандислар, техниклар ва бошқ. – 5,5%; журналистлар – 5,1%; талабалар – 4,5%; тадбиркорлар – 4,2%; уй бекалари – 3,8%; сиёсий партия ходимлари, «Камолот» ЁИХ ва бошқ. – 3,3%; аграр соҳа вакиллари (фермерлар, деҳқонлар) – 1,2%; бошқалар – 2%; 7,6% - Жавоб кўрсатилмаган.

Сўровнома натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил этишда шунингдек, турли ҳудуддаги респондентларнинг жаволари ўртасидаги фарқланишларни аниқлаш мақсадида математик статистика ва турли статистик тартибдаги методлардан фойдаланилди.

Аҳолининг фуқаролик жамияти ва унинг институтлари фаолияти тўғрисида хабардорлик даражаси.

Социологик тадқиқот натижалари “Фуқаролик жамияти” тушунчаси мамлакатимиз аҳолисининг оммавий ва индивидуал тушунчасида муқим ўрин топганлигини кўрсатади. “Фуқаролик жамияти” атамасини қай даражада тушунишни аниқлаштиришга қаратилган саволга, кўпчилик респондентлар (44%) фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи мустақил институтлар мажмуаси деб ҳисоблашлари аниқланди. Респондентларнинг деярли учдан бири (28%) юқоридаги тушунча остида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқарувчи ва қонуннинг устуворлиги таъминланган жамиятни тушунишларини билдирди.

Респондентларнинг озчилик қисми қуйдаги вариантларни белгилашган: «Фуқароларни бир мақсад ва вазифа йўлида бирлаштирувчи жамият» – (14%), «Турли ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этувчи жамият» – (6%), «Шахслараро, миллатлараро ва ижтимоий муносабатлар бир-бирига мос келишига етакловчи жамият» – (5%).

Сўровномада иштирок этганларнинг бир фоиздан камроғи фуқаролик жамияти атамасини “Фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётида иштирок этиши ва давлат ва фуқаролар ўртасида эркин муносабатлар”, “Демократияга асосланган жамоатчилик ҳаётининг шакли”, “Фуқаролар бошқарувчи

жамият” каби тушунчалар сифатида тушунишларини билдирган. 2% респондентлар ушбу саволни очик қолдиришган.

Сўровнома натижасига кўра мамлакатимизда фуқаролик жамияти кўп асрлик тарихий тажриба асосида шаклланган ижтимоий-жамоатчилик муносабатлари ва миллий анъаналар асосида ривожланмоқда. Кўпчилик респондентлар (34%) фуқаролик жамиятида хашар, ободонлаштириш каби ижтимоий вазифаларни коллектив тарзда ҳал этиши алоҳида таъкидлашган. Муҳтожларга кўмак бериш хусусан маҳалланинг анъаналарига хос тарзда ўраро ёрдам кўрсатиш борасида фуқароларнинг фаоллиги юқори эканлиги аниқланди (18%).

Ҳар олтинчи респондент (16%) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этишларини билдирди.

Фуқароларнинг анъанавий тарздаги фаоллиги билан бир қаторда жамоатчилик аҳамиятидаги муаммоларни ечиш учун кўнгиллилик ҳаракати шаклидаги фаолиятда қатнашиши ҳам тобора оммавийлашиб бормоқда. Шундай тарздаги ижтимоий фаолликни ёқловчи респондентларнинг умумий улуши 21% ни ташкил этади.

Социологик сўровномамизнинг фақатгина 3% қатнашчилари гарчи у ёки бу даражада фуқаролик жамияти шаклланишининг аҳамиятини тушунсада, ижтимоий фаолликда ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида ҳеч қачон иштирок этмаганликларини билдиришган.

Бундан ташқари респондентларнинг фуқаролик жамияти институтларининг асосий вазифалари борасидаги фикрлари ўрганилди. Респондентларнинг кўпчилик қисми (45%) фуқаролик институтларини ташкил қилишдан мақсад – ижтимоий муаммоларни ҳал этиш (масалан, аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожланишига кўмак бериш в.х) эканлигини кўрсатиб ўтишган.

Сўровда иштирок этганларнинг озчилик қисми (12%) фуқаролик жамияти ташкилотлари давлатнинг қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда кўмаклашишини билдиришган.

9% респондентлар экологик муаммоларни ҳал этишни жамоатчилик ташкилотларини вазифаси деб ҳисоблашини билдиришган. Ҳудди шундай кўрсаткич ўзининг ташаббусларини амалга оширишда восита сифатида кўрувчи респондентларда ҳам аниқланган (9%).

Сўровномада иштирок этганларнинг 7% юқоридаги саволга “билмайман” деб жавоб қайтаришган.

Ҳар олтинчи респондент (15%) жамоатчилик ташкилотларини ташкил этишдан асосий мақсад – маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг

фаолиятини яхшилаш (масалан коммунал хизматлар соҳасида)ни асосий сабаб сифатида кўрсатишган.

Социологик сўровнома қатнашчиларининг озчилик қисми (2%) юқоридаги саволга “кимнингдир буюруғи ёки кўрсатмаси асосида ташкил этилган структура” деб жавоб беришган.

Кейинги савол жойлардаги фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида ижобий йўналишларни мавжудлигини ёритиш мақсадида берилди. Респондентларнинг кўпчилик қисми (44%) жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти сезилаётганлигини таъкидлади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки худудлар кесимида энг кўп ушбу жавобни белгилаганлар Тошкент вилояти (42%) дан сўровда қатнашганлар ҳисобланади. Республика бўйича ҳар бешинчи (21%) респондент жамоатчилик ташкилотлари улар яшаётган худудда фаол иш олиб бормоқда деган фикрни билдиришган.

Тадқиқотдаги маълумотларга кўра жамоатчилик ташкилотлардан «Камолот» ЁИХ (респондентлар фикрига кўра 46%) бошқаларга қараганда фаоллиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари «Маҳалла» фонди (29%) ва «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси» (21%) каби жамоатчилик ташкилотлари фаолияти эътироф этилган. Рейтингнинг учинчи поғонасидан «Касаба уюшмалари» (13%) ва «Савдо-саноат палатаси» (7%) жой олган .

“Камолот” ЁИХ фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси (61%), шунингдек Жиззах ва Фарғона вилоятлари (55% дан) респондентлари томонидан эътироф этилди “Маҳалла” фонди жамоатчилик ташкилотининг фаолиятининг эътирофи Наманган (46%) ва Андижон (44%) вилоятларида юқори бўлса, Жиззах вилояти респондентларининг фақатгина 13% юқоридаги жамоатчилик ташкилотининг фаоллигини эътироф этишган.

Сўровнома иштирокчилари уларнинг назарида фаол иш олиб бораётган жамоатчилик ташкилотларини, хусусан ФЖШМҚМИ, сиёсий партиялар (УзЛиДеП, ЎзХДП, «Миллий тикланиш» ДП), Республика маънавият тарғибот маркази (жойлардаги бўлимлари), «Соғлом авлод учун» халқаро фонди, Экосан, Экоҳаракат, ННТлар, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, «Нуроний» жамғармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти каби жамоатчилик ташкилоти фаолиятини кўрсатиб ўтишган.

Респондентларнинг жавобларидан жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти ижобий йўналишда эканлиги ва уларнинг фаолиятидан аҳоли мамнун эканлиги маълум бўлди. Хусусан ҳар бешинчи респондент (20%) фуқаролик жамияти ташкилотлари ишидан доимий тарзда амалий фойда сезаётганини таъкидлаган. Таъкидлаш жоизки, Тошкент (32%), Хоразм

(29%), Навоий, Наманган ва Фарғона вилоятларида (27% дан) ушбу мезон бўйича кўрсаткичлар юқори даражада эканлиги аниқланди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики 40 % респондентлар жамоатчилик ташкилотларининг амалда фойдаси сезилаётганлигини лекин доимий эмаслигини таъкидлашган.

Фақатгина 4% респондентлар жамоатчилик ташкилотлари мавжудлигидан хабардор эмаслар, шу сабабдан бу савол бўйича муайян фикрга эга эмасликларини билдиришган.

ННТ фаолияти тўғрисида аҳолининг фикри

Кейинги мезон аҳолининг нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) фаолиятинг моҳиятини қай даражада тушунишларини аниқлашдан иборат бўлди. Сўровномада қатнашганларнинг деярли учдан бири (31%) ННТлар фаолиятини турли хусусиятини очиб беришди.

Хусусан, 8,4% респондентлар, ННТ бу «даромад олишга асосланмаган, фаолияти тижорий характерга эга бўлмаган, муҳтожларга ёрдам кўрсатувчи мустақил ташкилот», 7,6% респондентлар – «муайян низом вазифалари ва манфаатларига эга, ҳокимят учун курашмайдиган мустақил ташкилот» деб ҳисоблашларини билдирган.

Оз миқдордаги респондентлар «аҳолининг давлат олидаги ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилувчи, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги воситачи ташкилот» – 2,3%, «ўз-ўзини бошқарувчи ва ўзини ўзи молиялаштирувчи ташкилот» – 1,7%, «Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ ва шунга ўхшаш жамоатчилик ташкилоти»– 1,6%, «муайян муаммо ва вазифаларни ҳал этиш мақсадида фаол фуқаролар ва юридик шахсларни бирлаштирувчи, кўнгилли тарзда тузилган ташкилот» –1,3%, «аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш, экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш» – 1,1% каби жавоб вариантлари беришган.

Бир фоиздан озроқ респондентлар улуши «Адиля вазирлигидан рўйхатдан ўтган, грантлар асосида ижтимоий лойиҳаларни амалга оширувчи, шахс жамоа ёки ташкилот», «фуқаролик жамияти институтлари ва унинг таянчи, демократиянинг бир кўриниши» қабилдаги жавобларни беришган.

Юқоридаги жавоблар аҳоли, ННТ ларнинг мавжудлидан нафақат хабардорликлари, балки уларнинг амалий ишларининг йўналишларини ҳам билишларини кўрсатади.

Шу билан бирга, айрим респондентлар (1% яқин) ННТ лар моҳиятини тушунмаслигини кўрсатувчи «мустақил ишловчи давлат ташкилоти», «чет эл мамлакатлари томонидан молиялаш ҳисобидан фаолиятини амалга оширувчи

ташкилот» ёки «жамиятдаги муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган ташкилот» қабиладаги жавобларни беришган.

Юқорида баён этилган тенденциялар Ўзбекистондаги мавжуд ННТ ларнинг сони борасидаги саволларга жавобининг тасдиғи бўлиб хизмат қилди. Мисол учун, 29% респондентлар «жавобни билишини» таъкидлаган, бироқ, фактгина учдан бири аниқ сонини кўрсатган.

Ушбу тадқиқотга кўра ННТлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири фуқароларнинг ижтимоий фаолигини ошириш: ушбу тўхтамга сўровнома иштирокчиларининг 46% келишган. Шунингдек аҳолининг қуйи катламини қўллаб-қувватлаш (35%) ва фуқароларнинг сиёсий фаолигини ошириш (33%) ҳам муҳим ҳисобланади. Респондентларнинг чорак қисми инсон ҳуқуқлари ҳимоясини шунингдек, аёллар ва ёшларни бўш вақтини самарали ўтказишни ташкил этишни таъкидлашган.

Бундан ташқари ННТ лар «тадбиркорликни ривожлантириш» (21%), «экологик муаммоларни ҳал этиш» (18%), «кекса авлод вакиллари ҳимоя қилиш» (16%), «кам таъминланганлар тиббий ёрдам кўрсатиш» (13%) каби жиҳатларга ҳам эътибор қаратиши лозим деб ҳисоблашган. Айрим респондентлар «аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш», «мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни юқори даражада амалга оширишда» ёки «ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда» ННТ лар иштирок этишлари керак деб ҳисоблашган.

ОАВ лари фаолияти борасида жамоатчилик фикри.

Сўровнома доирасида аҳолининг фуқаролик жамияти институтларига нисбатан фикри ўрганилганидек, Оммавий ахборот воситаларига нисбатан фикрлари ҳам ўрганилди. Респондентлар маълумот манбасини уларнинг қарашлари таъсир даражасига қараб 1 балл – қониқарсиз, 5 балл эса – аъло даражада кўринишида баҳолашган. Рейтингни умулаштириш бир қатор хулосалар қилишга ундайди. Аҳоли учун оммавийлиги ва таъсир доираси кенглигига кўра ахборот манбалари орасида телевизион каналлар биринчиликни ўзида сақлаб турган бўлса иккинчи поғонада эса босма ахборот манбалари жой олган. Эътибор бериш лозимки Интернет тармоғидаги миллий домен (.uz домени) таъсир доирасини кенгайтириб (3,7) миллий радио каналларини ортда қолдирган (3,6).

ОАВ фаолиятига жамоатчилик фикрининг баҳосининг таҳлил қиладиган бўлсак, охириги 5 йилда миллий ОАВ лари ўзининг фаолиятларини сезиларли равишда яхшилаганини кўришимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш кераки кўпроқ танқидий баҳо радио эшиттириш соҳасига берилган.

Деярли респондентларнинг чорак қисми миллий ОАВларини тавсифлашда, «Тезкорлик» (24%), «Аниқлик (ҳолислик)» - 16%, «халқ мафаати учун хизмат қилиш» – 13%, «Адолатлилик» – 13%, «Маълумотга бойлиги» – 12%, «Мустақил фаолият» – 12%, каби сифатларни кўллаган.

Респондентлар айна вақтда миллий ОАВлари ахборот етказиш борасидаги ишларда ўз фаолияти доирасидаги имкониятлардан фойдаланмаётганлигини билдиришган. Улар ундаги тақдим этилаётган маълумотлар «оддий мазмундалиги», «дизайн» ва «бутун аудитория манфаатларини қамраб олишни таъминлаш» кераклиги каби сўзларни келтириб ўтишган.

Тадқиқотнинг натижаси шуни кўрсатадики умуман олганда ОАВ фаолияти ижобий баҳоланган, 36% респондентлар улардан ўзлари учун фойдали маълумотни олишмоқда, 44% респондентлар «фойдали маълумот олишини, лекин доимий эмас» лигини билдиришган.

Сиёсий партиялар фаолиятига аҳолининг муносабати.

Саволноманинг алоҳида блоки респондентларнинг сиёсий партиялар фаолиятига берган баҳосига бағишланди. Сўровнома маълумотларига кўра аҳолининг сиёсий партиялар фаолиятига қизиқиши юқори эканлигини кўрсатди. Сўровномада иштирок этганларнинг деярли ярми (47%) улар учун сиёсий партиялар фаолияти қизиқ эканлигини билдиришган. «Қисман» жавобини 32% респондентлар белгилашган. Сиёсий партиялар фаолиятига кўпроқ қизиқишни Қашқадарё (72%) ва Наманган (61%) вилояти респондентлари билдиришган.

Респондентларнинг аксарият қисми (48%) «қисман», 22% эса «сиёсий партиялар фаолияти билан таниш» (бу жавоб варианты Қашқадарёлик респондентлар орасида 42%ни ташкил қилган) эканликларини билдирган.

Респондентларнинг сиёсий нуқтаи назарлари шуни кўрсатдики, уларнинг кўпчилиги қисми ЎзЛиДеП илгари сураётган ғоялар тарафдори эканликларини, ундан сўнг ХДП, «Миллий тикланиш» ДП ва «Адолат» СДП ўрин олган.

Респондентларнинг ярми бугунги кунда у, ёки бу даражада сиёсий партияларнинг фаолиятидан фойдани сезаётганликларини билдирган бўлса, 17% – «доимий равишда», учдан бири эса – «доимий тарзда эмас» деб жавоб беришган.

Тадқиқот доирасида аҳоли орасида сиёсий партияларни обрў-эътибори юксалишига олиб келувчи истиқболдаги чора тадбирлар ўрганилди. Сўровномага кўра иштирокчиларнинг ярми (54%) партиялар сайловчиларни ҳавотирга солаётган жиддий муаммоларни маҳаллий ижро этувчи

хокимликлар олдида кўпроқ кўтаришни, партиялардан сайланган депутатлар билан сайловчилар ўртасидаги учрашувларни кўпайтириш лозим деб ҳисоблашган. Сўровномада иштирок этганларнинг 48% ОАВларида сиёсий рекламалар кўпайтириш керак деб ҳисоблашган. Ҳар тўртинчи респондент (24%) – машҳур кишилар иштирокида партия ғоялари илгари сурилган оммавий акциялар ўтказишни таклиф этган.

Айрим респондентлар сиёсий партиялар фаолиятини маҳаллаларда кучайтириш, шунингдек сайловолди ваъдалар бажарилиши юзасидан аниқ мисоллар билан тутунтириш ишлари олиб бориш зарур деб ҳисоблашган.

Аҳолининг ижтимоий онгида маҳалла.

Социологик инструментаридаги саволларнинг кейинги блоки мамлакатимиздаги фуқаролик жамияти институти ҳисобланувчи маҳаллага оид саволлардан иборат бўлди. Респондентларнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда маҳалла ўз фаолиятида маиший масалаларни ҳал этиш ва ободонлаштириш ишларига катта урғу бераётганилигини таъкидлаган (57%). Ундан кейин оилавий муаммоларни ҳал этишдаги вазифаси, шунингдек, турли даражадаги ташкилотчиликдаги ёрдамни кўрсатиб ўтишган.

Айрим респондентлар ўзларининг фикрларини жавоблардан “бошқа” пункти доирасида билдиришди. Хусусан уларнинг фикрларига кўра маҳалла коммунал хизматларнинг узлуксизлиги, аҳолини бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларга қўшимча ёрдам кўрсатиш билан банд эканлигини билдиришган.

Сўровнома иштирокчиларидан маҳаллада яна қандай ишлар йўлга қўйиш керак деган саволга респондентларнинг 29% фикрларига кўра, маҳалла аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиши, 28% – кам таъминланган оилаларга қўшимча ёрдам кўрсатиш зарурлигини билдирган бўлса, 16% и ёшларни экстремистик оқимларга қўшилишини олдини олиши керак деб ҳисоблашган. Респондентларнинг 13% «ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ёки ахлоқсизлик каби иллатларга қарши профилактика» жорий этиш таклифини билдиришган бўлса, иштирокчиларнинг 9% и тадбиркорликни ривожлантиришга оид ишлар олиб бориш лозим деб ҳулоса қилишган.

Аҳоли томонидан фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини яхшилашга қаратилган бир қанча таклифлар.

Социологик тадқиқот давомида респондентларнинг нуқтаи назарига кўра демократик янгиланиш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнида

фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини оширишга доир фикрлари ўрганилди.

1. «Кучли давлатдан кучли жамият сари» ғоясини амалга ошириш муҳимлигини тушунган ҳолда, Респондентлар фуқаролик жамияти институтларининг истиқболдаги фаолиятини янада юксалтириш борасида ўзларининг таклифларни билдиришди.

Респондентларнинг 27% фикрларига кўра давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш биринчи навбатда мамлакатнинг демократлашувига олиб келади. Шунингдек фуқаролик жамияти институтларини истиқболдаги ривожланиши ҳам муҳим ҳисобланади деб респондентларнинг 22% жавоб беришган.

Ҳар бешинчи респондент (20%) оммавий ахборот воситалари фаолиятини яхшилаш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш тарафдори эканлигини билдиришган.

2. Респондентлар шунингдек фуқаролик институтлари фаолияти кўпроқ зарур бўлган йўналишларни ҳам кўрсатиб ўтишган. Бунга аҳоли биринчи навбатда, аҳолининг иқтисодий фаоллигига кўмак бериш, ишсизликка қарши курашиш, экология ва саломатлик ҳимояси, коммунал хизматлар, тиббий хизматлар сифатини ошириш, таълим, фан, маданият ва спортни ривожлантириш, шунингдек инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва бошқа йўналишларни кўрсатиб ўтишган.

3. Социологик тадқиқот иштирокчилари фикрларига кўра, фуқаролик жамияти ташкилотлари ўзининг фаолияти мамлакатимизда умумий тан олинishi учун 30% респондентлар «Аҳоли билан бевосита иш олиб бориш, уларнинг реал эҳтиёжларини билиш» зарур деб ҳисоблашган. Респондентларнинг 23% эса алоҳида қишлоқ ҳудудларида тушунтириш ишлари олиб боришни кучайтириш масадга мувофиқ деб ҳисоблашган. Аниқ муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратиш муҳим деб 22% респондентлар фикр қолдиришган.

Респондентлар фуқаролик жамияти институтларига қуйдагича таклифлар билдиришган:

- Ташаббускор одамларга кўпроқ таяниш;
- Маҳаллий долзарб масалаларни дадилик билан кўтариб чиқиш;
- Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш;
- Ўзининг кадрлар масаласидаги потенциалини яхшилаш;
- ННТ фаолиятини, мавжуд молиялаш тартиби ҳисобидан моддий техник базасини кучайтириш.

4. Респондентларнинг жойлардаги фуқаролик жамияти институтлари фаолияти борасида янада аниқроқ таклифлари уларга берилган “Агарда сиз

Жамоатчилик ташкилоти, ОАВ, сиёсий партия, маҳалла ва б. раҳбари бўлганингизда биринчи навбатда нима қилган бўлардингиз?” қабиладаги саволга берилган жавобларида намоён бўлди.

Респондентлардан олинган таклифлар таҳлил қилинганда уларни бир қанча блокларга ажратиш мумкин.

